Milliy tiklanish — millat kelajagi

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 4 fevral, Juma

3 (309) son

ЯНГИЧА ТАЛАБЛАР — ЯНГИЧА ИШЛАШГА ДАЪВАТ

Хуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» фракцияси раҳбари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси.

...Ушбу икки тарихий сананинг бошланиши 2004 йилнинг 26 декабри ва 2005 йилнинг 9 январидаги сайлов жараёнлари билан боғлиқ эди. Сайлов ҳақида сўз очиб, бировни ҳайратга солиш қийин, чунки эндиликда ер юзининг сайлов ўтказилмайдиган ҳудудлари оз қолган. Лекин сайлов жараёнларининг ичида юрган, унинг қизғин шиддати ва ҳаратидан бевосита «баҳра» олган бевосита шоҳид сифатида шуни айтиш мумкинки, бу сафарги сайловлар аввалгиларидан мутлақо ўзгача тарзда бўлиб ўтди. Қишнинг аёзли, қор—ёмғирли кунларида, баъзан иситилган, баъзан иситилмаган хоналарда, залларда, клубларда йиғилиб ўтирган қишлоқ аҳлининг қизиқишларини, уларнинг энг сиёсий жараён—сайловга доир мавзуларда қизиқиб, ҳаяжонланиб, талашиб—тортишиб суҳбатлашиб ўтиришларини кўриб ҳайратланмай бўладими?! Ана шу эмасми, тафаккурда янгиланиш?! Ана шу эмасми, мамлакат ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ ислоҳотда оддий фуқаролар иштирокининг фаоллашуви?!

Одамлар кимларнинг номзодлари қўйилганига, улар орасидан ким депутат бўлиши мумкинлигига ҳар ерда ва ҳамиша жиддий ёндошдилар. Бирор жойда «Менга нима?» қабилидаги лоқайд кайфиятни кўрмадик десак асло муболаға бўлмайди.

Яна бир гап: сайловолди учрашувлар чоғида маҳаллий муаммоларни, маиший турмуш қийинчиликларини кўтариб чиқиш, депутатларнинг зўр ё зўр эмаслигини ана шундай муаммоларни бартараф этиш борасидаги «салоҳияти» билан ўлчашга уринишлар анча камайган. Бу, кишиларимиздан бутун мамлакат миқиёсларида фикрлашга мойиллигининг ортаётганидан далолат беради.

Сайловчилар депутатлар билан, умуман мамлакат пойтахтидан борадиган давлат, жамоат, фан, маданият ва санъат намоёндалари билан юзма—юз учрашишга ниҳоятда муштоқ! Улар билан суҳбат қуришга, кўнгиллари—даги сирларини сирлашишга ғоятда ташна.

Бу қандай имконият? Ким учун имконият? Қайси мақсадлар йўлида сафарбар этиш мумкин бўлган имконият?

Муҳтарам Президентимизнинг қўшма йиғилишдаги маърузаларига мурожаат этайлик: «...партиялар аҳоли ўртасида обрў—эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими, молиявий мустақилликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таянниш учун фаол ҳаракат қилиши керак». Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари замирида сиёсий партияларни фаоллашувга даъвати ётганини тан олмоғимиз керак. Бундай даъватни ўзимиз учун танқид деб қабул қилмоғимиз ва келгусидаги ишларимизни мазкур талаблардан келиб чиққан ҳолда қайта ташкил этсак янаям тўғри бўлур эди. Ахир халқимиздаги қизиқиш ва интилишлар партияларнинг ҳар қачонгидан фаоллашуви учун айни муддао эмасми?!

Таассурот

2005 йил 27 январ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди.

2005 йил 28 январ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Республика Президенти Ислом Каримов ҳар иккала йиғилишда иштирок этди ва маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, партиянинг маҳаллий бошланғич ташкилотларини йўлга қўймай туриб, уларнинг фаолиятини жонлантирмай туриб ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги яққол кўринди!

Жойлардаги партия аъзоларимизни қайта бошдан рўйхатдан ўтказиш, уларнинг сифат даражасини аниқлаштириб олиш зарурияти яққол сезилди.

Партиянинг садоқатли фидойилари ҳар қачонгидан бир жон—бир тан бўлишига эҳтиёж ортгандан ортди.

Партиянинг фаоллашуви аъзолар фаоллашувидан бошланишидек оддий ҳақиқатни бот—бот такрорлашдан чарчамайдиган пайт келди.

Ваҳоланки, эришилган кўрсаткичлар нисбатан олганда чакки эмасдек: аввалги чақириқда 250 нафар депутатнинг 11 нафари партиямиз аъзоларидан сайланган бўлса, бу сафар 120 депутатнинг 11 нафари «Миллий тикланиш»чилар! Партиялар ўртасида энг кам—бор—йўғи 59 нафар номзод кўрсатилган ҳолда бундай натижага эришилгани ҳам чакки натижа эмас. Бироқ, «Миллий тикланиш» ўз номи билан халқимизнинг қон—қонига сингиб кетган, миллий ўзига хосликларни ўзида мужассам этган, қолаверса, миллатимизнинг порлоқ келажаги, истиқболини кўзлаган партия сифатида янада кўпроқ овоз олишга маънан ҳақли эди.

Муҳтарам Юртбошимиз «Миллий тикланиш» партияси миллий истиқбол партияси эканини, бу партиянинг тақдири халқимиз тақдири билан чамбарчас боғлиқлигини , у боқий сиёсий куч бўлиб қолиши зарурлигини алоҳида таъкидлагани биз — «Миллий тикланиш»чиларга катта далда бўлди, сафдошларимизни янада жўшқинлик билан ишлашга даъват этди.

Қўшма йиғилишда Қонунчилик палатасида фаолият юритадиган 10 та қўмита ташкил топди, қўмита раислари сайланди. Амалдаги қонунларга кўра, битта қўмитани шакллантириш «Миллий тикланиш» партияси зиммасига тушди. Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси партиямиз фракцияси раҳнамолигида иш юритадиган бўлди.

Ўз номи билан буткул замонавий соҳа ва тармоқларни қамраб олувчи ушбу қўмитанинг келгусидаги фаолият йўналиши Президентимиз маърузасидаги учинчи устивор йўналишда алоҳида белгилаб берилди. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш борасидаги ислоҳотларни босқичма—босқич чуқурлаштира бориш зарурлиги айтилди. Ахборот узатиш, яъни коммуникация технологиялари шу қадар кенг ва қамровли тус олмоқдаки, бу борадаги тараққиёт самараларини эътироф этган ҳолда бу қадар серқатлам соҳани қонуний асосда йўлга солиш давр тақозосига айланиб улгурди. Коммуникация технологиялари кенг қулоч отаётган мамлакатимизда эндиликда уларнинг фаолиятини қонунлар асосида кўриш даври етди. Ахборот шиддати матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ўлчамлари ва чегараларидан чиқиб кетгани эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

...Мақоламиз бошланишида келтирилган икки тарихий кун ортда қолди. Ўзбекистон икки палатали парламент мақомига эришди. Дастлабки ташкилий масалалар қатори Қонунчилик палатасида ташкил этилган 10 та палата ва унинг қўшма йиғилишида сайланган раислар ўз фаолиятларини бошлаб юборадилар. Ҳаёт давом этади, ҳаёт янги—янги талабларини кун тартибига қўяверади. Мамлакат Парламенти Қонунчилик палатаси партия фракциялари ва қўмиталар халқимизнинг янада фаровон яшашлари учун замин яратувчи пухта қонунларни яратишдек, яратилган қонунларнинг ижросини таъмин этишдек муқаддас вазифаларни айни янгича талаблар асосида адо этишга киришдилар.

СОҒЛИК БОЙЛИКДАН АЪЛО

«Шундай беморлар борки,
Тўшакда михланиб ётар бемажол,
Уялиб кетасан тузалганингдан.
Шундай шифокорлар борки,
Туғишган акангдай қарайди сенга,
Тузалиб кетасан уялганингдан.» деган эди бир шеърида машҳур шоиримиз Муҳаммад Юсуф. Ҳа, жонингга жондош бўлган шифокорларнинг меҳри кўпинча туғишган ака—уканг меҳридан кам бўлмайди.Тиббиёт фанлари доктори Пиримқул Назиров ҳам ана шундай фидойи инсонлар сирасига киради.

— Юртбошимиз томонидан 2005 йилнинг Сиҳат—саломатлик йили, деб эълон қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида «Сиҳат—саломатлик йили» давлат дастурининг ишлаб чиқилиши, юртимизда халқ соғлигига бўлган эътибор нақадар юксак эканлигидан далолат беради,— дейди П.Назиров.— Дастурда аниқ вазифалар белгилаб олинган, маблағ билан таъминлаш масалалари ҳам масъул кишилар зиммасига юклатилган. Бундай эътибор кўпчилик қатори биз — тиббиётчилардан ҳам ўз ишимизга сидқидилдан ёндошиш, виждонан ишлашни талаб этади. Жамиятда саломатлик маданиятини шакллантириш, Сиҳат—саломатлик йилида ўтказиладиган тадбирларнинг аҳамияти, бажарувчиларнинг қўшма қарорлари билан тасдиқланган.Мана шу мақсадли дастур асосида аҳолининг барча қатламлари ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш,— айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг саломатлик маданиятини, юксалтириш, ўз соғлигига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳаётий фалсафасини шакллантириш кўзда тутилган.

Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган сурат.

Раъно ЗАРИПОВА,

Ўзбекистон Республикаси *Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати*

Муҳтарам Президентимиз мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида партиямизга жуда катта ишонч билдирди. Тўғриси, мен шу партиянинг аъзоси бўлганлигимдан илк бор қаттиқ ҳаяжонга тушдим, фахрландим ва айни пайтда чуқур масъулият ҳис этдим.

... Номига эътибор беринг, «Миллий тикланиш...!» Дарвоқе, давлатимиз раҳбари айтганидек, миллат бор эканки, миллий тикланиш жараёни узлуксиз ҳаракатда бўлади. Миллат бор эканки, ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги воқислик, уларнинг ягона мақсад йўлидаги узвийлиги давом этади. Айниқса, Юртбошимиз вақт ва замон тақозоси билан бошқа партиялар номларини ўзгартириб кетиши мумкин, лекин миллий тикланиш ғояси мангу ғоялардан бўлиб қолади деган мазмундаги лутфларини эшитиб вужудим жимирлаб кетди...

Миллий тикланиш бу — Ватанимизнинг боқий мероси, умуминсоний қадриятлар ва удумларимиз, умумбашарий ютуқларимиз ўртасидаги ғоявий кўприк. У жамиятдаги турли партиялар ва ҳар хил эътиқод ҳамда дунёқарашдаги кишиларнинг ўзаро ҳамкорлигу ҳамжиҳатлиги, бағрикенглиги, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига хизмат қилади.

Абдурашид ТЎХТАБОЕВ,

Ўзбекистон Республикаси *Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати*

Юртбошимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Миллий тикланиш» партияси ҳақида фикр билдириб миллий тикланиш замирида миллатнинг миллат бўлиб етишуви ғояси ётганлигини таъкидлаб ўтди. Партиямизнинг келажагига умид, биз танлаган нурли йўл, тўғри йўналиш узоқ йилларга татигулик экани, энг муҳими, собитқадамлик зарурлигини айтди.

Партиямиз Низоми ва Дастурида кўзда тутилган мақсадлар йўлида ишлаймиз энди. Бу йўлда барчамиз ҳамжиҳат бўлайлик!

БЎЗНИ БЎСТОН ЭТАЁТГАНЛАР

Мабодо, водий томонларга йўлингиз тушгудай бўлса, кўҳна ва навқирон Қўқон шаҳридан чиққанингиздан сўнг Ёзёвонга, кейин Андижоннинг ғарбий дарвозаси ҳисобланмиш Бўз туманига кириб борасиз. Бир вақтлар Бўз деган номни эшитган инсоннинг кўз олдига дарров поёнсиз чўллар келарди. Бугун Бўзга ташриф буюрган киши бу жойларнинг бир пайтлар чўл бўлганлигига ишонгиси келмайди. Албатта, бу ўзгаришларнинг ҳаммаси ўз—ўзидан бўлмаган. Бу ерларни обод қилишда Бўзлик заҳматкаш инсонларнинг ҳиссаси беқиёс. Ёзёвондан чиқиб то туман марказига етгунга қадар йўлнинг икки чеккасида жойлашган ўрикзору олмазорлар кишининг баҳру дилини очади.

Бўз туман ҳокимияти биносига кириб боргани—мизда туман ҳокими Баҳтиёр Абдуллаев туман фаоллари билан баҳорги ободонлаштириш ишларини режалаштириш борасида йиғилиш ўтказаётган экан. Ҳа, Баҳтиёр Абдуллаев ўзи ёш бўлишига қарамай анча тажрибали, одамлар билан қандай ишлашни биладиган раҳбар. У туманга ҳоким бўлиб сайлангандан бери туманда талайгина ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

—Биргина ўтган йилнинг ўзида туманда йўл бўйларини обод қилиш мақсадида 10 минг туп арча, 100 минг туп терак кўчатлари ўтқазилди. 2005 йил мамлакатимизда «Сиҳат—саломатлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қишлоқ аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида туман марказидан узоқда жойлашган қишлоқлардаги қишлоқ врачлик пунктлари қайтадан кўриб чиқилиб, уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун амалий ишлар олиб борилмоқда, —дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими Баҳтиёр Абдуллаев.

Туманда ёшларнинг спорт билан шуғулланишига қулай шарт—шароитлар яратиш мақсадида туман марказида жойлашган стадионни замонавий услубда қайтадан таъмирлаш ҳамда болалар—нинг сув спорти билан шуғулланиши учун бассейнлар қуриш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. «Озод» ширкат хўжалиги марказида замонавий услубда қурилаётган спорт комплекси ҳам қишлоқ ёшларининг чексиз қувончига сабаб бўлди.

Биз сафаримиз давомида Бўз пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик. Ҳозирда ушбу жамият туманда мавжуд ширкат ва фермер хўжаликлари билан шартномалар тузиб, деҳқонларнинг пешона тери эвазига етиштирилган пахта ҳосилини қабул қилиб юқори сифатларда қайта ишлаймоқда. Жамият раҳбари Иномжон Парпиев бизни бу ердаги иш жараёни қандай бориши билан таништирди. Ушбу жамиятда 400 га яқин одам иш билан таъминланган. Уларнинг ўртача маоши 40 минг сўмни ташкил этади. Жамият ҳудудида ташкил этилган чорвачилик фермаси ишчиларни гўшт маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаб келмоқда. Ишчилар ойлик маошларини ўз вақтида олишлари ва уларга яратилган шароитлардан жуда мамнун.

Албатта, истиқлол шарофати билан барчамиз қатори заҳматкаш деҳқонларнинг ҳам елкасига офтоб тегди. Бугун деҳқон ўз ерига, ўзи эккан ҳосилни ўзи тассаруф қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан тумандаги мавжуд бўлган ширкат хўжаликларини ҳозирда босқичма—босқич деҳқон—фермер хўжаликларга айлантириш ишлари олиб борилмоқда. 2005 йилнинг биринчи чорагида тумандаги бешта хўжаликни тўлиқ деҳқон—фермер хўжалигига айлантириш режалаштирилган.

Биз тумандаги илғор хўжаликлардан бири ҳисобланган Улуғбек номли ширкат хўжалигида бўлганимизда хўжалик раҳбари Мамасодиқ Тўйчиевнинг ўз идорасидан эмас, балки мавсумга шай қилиб қўйилган техникаларни кўрикдан ўтказаётган жойидан, яъни хўжалик трактор паркидан топдик.Бу ердаги техникага бўлган эътибор, ҳамда трактор паркини озода, сариштталиги ҳам хўжалик раҳбарининг ишнинг кўзини биладиган уддабурон раҳбар эканлигидан далолат беради. Хўжаликда ҳозир бугдой экилган ер майдонларида баҳорги ишлов бериш ишларига тайёргарлик кўриляпти. Хўжалик ҳудудида ариқ қазиш ишлари ниҳоясига етказилган.

Шу билан бир қаторда туманда таълим соҳасига ҳам катта эътибор қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш мақсадида кенг қамровли ибратли ишлар амалга ошириляпти.

Собиқ 11—ҳунар—техника билим юрти қайтадан замонавий услубда таъмирланиб, бизнес мактабига айлантирилди. Шунингдек, тумандаги мавжуд мактаблар—нинг ҳолати ўрганиб чиқилиб, олтита мактаб Япония гранти асосида компьютер техникаси билан жиҳозланди. Албатта, бу ишлар мактабларда таълим сифатини ўзгаришига, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқишини янада ошишига сабаб бўляпти.

Кези келганда яна бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб топдик. Зиёлилар партияси бўлмиш «Миллий тикланиш» демократик партиясининг бугун Бўз туманида 400 га яқин аъзолари мавжуд бўлиб, уларга Тўйчибой Мамасолиев раҳбарлик қилиб келмоқда.

Бўлиб ўтган сайловларда Халқ депутатлари туман кенгашига Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, «Истиқлол садоси» газетаси бош муҳаррири Тўйчибой Мамасолиев, Бўз педагогика коллежи директори Раъно Содиқова, 18—гимназия директори Эркиной Аҳмадалиева, 10—болалар боғчаси мудираси Соҳибахон Азизовалар сайландилар. Ўз касбининг фидойиси ҳисобланмиш ушбу инсонларнинг «Миллий тикланиш» партияси томонидан туман кенгашига депутат бўлиб сайланишлари ҳам бугун Бўзда зиёли инсонларга эътибор катта эканлигидан далолат беради.

Кексаларни зиёрат қилиш ва уларни дуоларини олиш ҳамиша улуғ ишлардан ҳисобланиб келинган. Биз сафаримиз сўнгида Улуғбек номли ширкат хўжалигининг Соли Махсум маҳалласида яшаётган юз ёш билан юзлашган табаррук онахон Шарофат аяни зиёрат қилдик. Онахон ўз ҳаётидан мамнун эканлигини айтиб, «бошимиздан не кунлар ўтмади, истиқлол бизга Оллоҳнинг берган улуғ неъмати, шу кунларга етказганига шукур» дея элу юртга фаровонлик тилаб юзларига фотиҳа тортдилар.

Албатта, кичик бир мақола билан бутун бир туманнинг фаолиятини ёритиш мумкин эмас. Яхшиси, Андижон вилоятига йўлингиз тушиб қолгудай бўлса, Бўз туманига тўхтаб ўтинг. Бу ерлик кўнгли очиқ, танти инсонларнинг ҳузурида меҳмон бўлинг. Донолар бежиз айтишмаган—минг бор эшиттандан бир бор кўрган афзал.

Муҳаммадсиддиқ РАҲМАТОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

АЖДОДЛАР МЕРОСИ

НАВОИЙ ШОҲБАЙТЛАРИ

Сўзимиз ибтидоси. Ҳазрат Навоийнинг зоҳирий ва ботиний таъриф–талқинича, «сўз гуҳари», «маъни гуҳари» тимсоллари кўриниши бўлмиш шоҳбайтлар(терма байт ё бандлар)ни муайян ўй–ният, муддао (мақсад–ғоя) ва маълум мавзулар эътибори–ла тартиб–тизим билан танлаб–саралаб тадқиқ этишга, шарҳлашга бақадри имкон уриниб кўрганимизда : Сўз таърифига оид байтлар, «хасби ҳол» ё фахрия байтлари, ориф–она (илоҳий ва дунёвий фалсафанинг бадиий талқинидан иборат) байтлар, ошиқона байтлар («ишқи мажоз» ва «ишқи ҳақиқат» талқини), риндона байтлар (ҳаёт, умр нашидаси, шукронаси), исён–корона байтлар («тавбаи комил» муножотлари) ва ҳоказолар тарзида махсус ўрганиш мумкин.

Бу, зоҳиран олган чоғда ҳам, бир эмас, бир неча авлод тадқиқотчиларнинг умри етмас, бардавом талқинотни тақозо этувчи, моҳиятда «икки жаҳон» ҳақиқатига, руҳий олам сир–синоатига дахлдор маърифат, боқий сўз–фасоҳат таққиқи, Бобур таъбирича «Алишерий» нуктадонликлар шарҳи–лавҳалари, рисолалари, навоийнома жилдлари демакдир...

Биз мана шу қутлуғ ва улуғ мавзунинг аввали: «Сўз таърифида»ги байтларга фақат бир лаҳза нигоҳ ташлаб, сўнгра, «орифона», байтлар ҳақида озми–кўпми ўз ҳайратимизни шунчаки баён этиш билан кифояланамиз.

Сўз келиб аввалу жаҳон–сўнгра,
Не жаҳон, кавн(замон) ила макон–сўнгра...

Ҳа, Низомиддин Алишер Навоийнинг муборак талқинича, осмондан–Қудрати илоҳий марҳамати–ла нозил бўлган муқаддас китоблардан аввалроқ, илк бор фазо лаваҳаларига раббоний Қалам билан битилган «Лавҳул–маҳфуз» (оламнинг яратилиши ва муҳофазаси ёрлиғи)да пайдо бўлган «Нури Муҳаммад» калимасидан эътиборан, аввалги илоҳий сўзлар, яъни «жаҳон»дан, «замон» ва «макон» ҳақиқатидан шаҳодат аломатлари тарзида бунёдга келган биринчи даракчи тимсоллардир! Воажаб! «Ақл боши айланар» (Навоий) ҳайратбахш мўъжизалар мўъжизаси!..

...Тўрт садаф гуҳарининг дуржи–уа,
Етти фалак ахтарининг буржи–ул!..
Сўз гуҳариға эрур онча (шунчалар) шараф–
Ким, бўла олмас анга гуҳар садаф...

«Тўрт садаф» («унсури арбаа»: ўт, ҳаво, сув, тупроқ)–бу моддий мавжудот, шаҳодат оламининг асосини ташкил этувчи зоҳирий аломатлар ҳолос, моҳият эътибори–ла Тавҳид фалсафаси («ваҳдатул–вужуд»–ягона Ҳақ Таоло билан мавжудот оламининг бирлиги, бутунлиги)нинг асоси, яъни «тўрт садаф» замиридаги «гуҳар», бу–жон, ҳаёт демакдир... Ҳа, Навоий талқинидаги Сўз қудрати шунчалар улуғдирким, у–олам (асли «оламлар ичра оламлар», А.Мухтор талқини) «гуҳарининг дуржи» (сирру–синоатлар сандиғи) , йўқ, бу ҳам кифоя эмас «етти фалак ахтари (юлдузлари)нинг буржи» (марказий нуқтаси–айланма силсиланинг асосий ҳалқаси) эмиш! Яна: «Воажаб!..» дея ҳайратдан лол қолмай иложимиз йўқ...

Бугина эмас. «Сўз гуҳари»нинг маъно ва баҳосига «онча (шунчалар ададсиз) шараф»га мушарраф эмишким, бу илоҳий мўъжиза олдида... баҳрнинг дур–гавҳарлари «садаф»–чалик қимматли «бўла олмас» эмиш!..

Маълумки, Навоий то мислсиз буюк маснавиёт мажмуи–«Хамса» достонларини яратгунга қадар (1480 йил–ларнинг бошигача) шахсан биринчи тартиб берган шеърлар девони «Бадоеъул–бидоя» («Бадиият ибтидоси») дебочасида ўзи эриша олган Сўз мулкининг тасарруфот даражаси ҳақида шундай ғаройиб–мўъжиз байтлар яратади:

Нидо еткурди ногаҳ мунҳийи роз–
Ки: «Эй, афсунгари афсона пардоз!
Балоға(т) кишварининг нуктадони,
Фасоҳат мулкининг соҳибқирони!..
Сўзунг бир авж уза чекти аламни–
Ки сурдинг Арш лавҳига қаламни,
Агарчи ахтаредур ҳар сўзунг пок–
Ки, эврулур анинг бошига афлок...»

Қаранг (аввалги байт шарҳи): қалам ва аҳли қалам илоҳаси–Аторуднинг фариштасифат элчиси–«мунҳийи роз» (сирлар даракчиси) шоир Навоийни инсон хаёлоти ва ҳайрати яратган бори ҳақиқат ва афсоналарга сайқал берувчи («афсона пардоз») сўз сеҳргари деб атайди.

Бугина эмас. Қудрати илоҳий мўъжизаси–ла «Балоға(т) кишвари (фазлу камолда етук мамлакат)нинг нуктадони», «фасоҳат мулкининг соҳибқирони» фақат Сўз даҳолари салтанатининг подшоси деган дахлсиз юксак мартаба мушаррафи–улуғ мутафаккир шоир қаламининг қудрати. «Арш лавҳи»га рақам чекиш билан унинг илоҳий сўзи фалакнинг сарбаланд нуқтасига («бир авж уза») зафар байроғини ўрнатишдек шарафнома тимсоли сифатида улуғланади... Бас, даҳо санъаткорнинг «ҳар сўзи» бир юлдузга айланиб, «анинг боши...» атрофидан «афлок (фалаклар) эврулса» не ажаб?! Ҳазрат Навоийнинг тасаввуру тахаййул қудратига, шеърий тахаййур (ҳайрат) миқёсига беихтиёр тасаннолар айтамиз, чуқур ўйга чўмамиз...

Навоий қалами инкишоф этган орифона–фалсафий байтлар, уларнинг фавқулодда имкониятлари, тасаруфидаги беадад маънолар, нозикхаёллик жилвалари, сирли–сеҳрли тераникларини фақат заҳираси, дастлабки таассурот маҳсули тарзида шарҳлашга уриниб кўрамиз.

Қуйма бу кун жонима
даврон майи,
Жоним ол, оғзима
қуй–иймон майи!..

Фақат шартли равишда мазкур шоҳбайтнинг иккинчи сатри–ҳам халқона–қадимона, ҳам исломий–боқий эътиқоднинг ҳайратомуз мухтасар рамзи («оғзима қуй–иймон майи») бўлмиш ҳар икки бирикмали сўзларни алоҳида–алоҳида шарҳлашнинг ўзи ақл совуққонлиги воситаси–ла мантиқий тафаккур холислиги, бетарафлиги билан уддалаб бўладиган осон юмуш бўлмаса керак...

Иккинчи мисранинг аввалги сўз бирлиги: «жоним ол»–даги кўнгил ноласи, руҳият илтижоси, ҳарқалай, бизга сирли бўлган жиҳати–қисмат, тириклик, «умри азиз» (Навоий) нуқтаи назаридан, ошиқ, волаи шайдо бир инсон фарёди замири зимнида ҳаёт–мамот фалсафасидек боқий муаммоларнинг бири, айни шу аснода бирламчи–тирик фожеъа қисмати (эҳтимол, бу–жон қийноқлари–дан тўйган, сабр–қарори тўлиб–тошган ўша фожеъ тақдир соҳиби учун эзгу армон, азобли бахт, сўнгги руҳий ҳаловат, охират олди иймон таскинидир...) Қисқаси, шоҳбайтнинг исёнкор оҳанги сабабият ва моҳиятини, руҳий фарёд шиддатини, алал–хусус, «иймон майи» тимсолида мужассам акси инъикосини топган мислсиз сабот, иродани пинҳоний мавжвор туғёнини имкон қадар тўлиқроқ, аниқроқ шарҳлашга қаламимиз ожиз, албатта.

Бошқа бир тамсил–мисолимиз «Фавойидул–кибар» қитъаларидан бирида тимсоли мужассам чизилган уч байтга разм солиб кўрайлик.

Ҳақ Таоло бандасининг қисматин
Чун азал девонида қилмиш рақам–
Кимки андин ортуқ ё ўксук (кам) истагай
Бордур анинг жаҳли ортуқ, ақли кам...
Тенгри эҳсонига шод ўлғон қилур–
Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам.

Мазкур банддан, аввало, қисмати илоҳийнинг ҳар бандаи мўмин учун азалдан то абад белгилаб–ўлчаб берилган рўзи насибининг дахлсиз авсати–ортиқ ё кам бўлмаган ўрталик меъёр–мезони... ҳам оддий–ҳам аччиқ ҳақиқат тарзида мухтасар ифодасини топган. Қолаверса (сўнгги байтдан), «тенгри эҳсони» бўлмиш бори имконияту салоҳият ҳаққи , шукриллоҳ туйғуси ҳам фалсафий, ҳам ҳаётий ҳақиқат, ижтимоий зарурат тақозоси сифатида баҳоят ибратомуз фарзона ҳукм–хулоса чиқарилади.

Алқисса. Биз ҳазрат Навоий шоҳбайтлари ҳақида фақат икки жиҳат: «Сўз тарифида» ва орифона байтларнинг дастлабки мушоҳада, изланиш мевалари атрофида баҳс–суҳбат олиб бордик. Кейинги мулоқот–суҳбатларда имконияту мумкинот қадарли, даҳо шоир, мутафаккир санъаткор дунёсига шоён–шойиста сўз, шарҳу таҳлил юритиш ниятидамиз, иншоаллоҳ!..

Ботирхон АКРОМ,
ЎзМУ профессори.

БОБУР МИРЗОНИНГ ИЛМ ГУЛЗОРИ

Ҳар вақтики — кўргайсен менинг сўзимни,
Сўзимни ўқиб, соғингайсен ўзимни.

Ватанимиз мустақиллиққа эришгандан сўнг, халқимиз маънавий дунёсида кўплаб байрамлар, улуғ саналар нишонланмоқда. Бугун — улуғ аллома, шоир, давлат арбоби бўлган бобомиз Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 522 йиллигини тантана қилмоқдамиз. Республикамизнинг барча илм масканларида, давлат ва жамоат ташкилотларида ушбу саодатли санага бағишланган кечалар, мушоиралар, бобурхонликлар ўтказилмоқда. Бундай шодиёналар, айниқса Бобур Мирзо ватани ҳисобланмиш Андижонда, ўзгача тус олади. Интернет маълумотларига қараганда қардош қўшни республикалар ва чет элларда ҳам мазкур санага алоҳида эътибор берилар экан.

Биз ҳам ушбу сана муносабати билан аллома Бобур Мирзонинг табиатга қарашлари, яъни ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, ҳамда уларнинг экологик мослашувларига бўлган муносабатлари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Чунки, З.М. Бобурнинг ғазаллари ва давлат ишлари ҳақида кўплаб мақолалар, роман ва ҳикоялар, спектакл ва видеофильмлар яратилган. Ҳаттоки, илмий экспедициялар ҳам уюштирилган. Аммо бобомиз ва унинг авлодларини табиий фанлар соҳасида қилган ишлари эътибордан четда қолиб, ўқув қўлланмалар, махсус рисолалар ёзишда унинг фикрлари ўз ифодасини тўлиқ топа олмади. Шул боис, фанлар мажмуаси бўлмиш "Бобурнома" асарида келтирилган табиат ҳақидаги ўринли ва қимматли фикрларни сиз муштарийларга етказиш асосий мақсадимиз ҳисобланади.

Илмий адабиётларда келтирилишича, ҳозир ўндан ортиқ мустақил фанлар "Бобурнома"ни ўрганишга киришиб, ўзларига тегишли, қимматли илмий маълумотларни олишмоқда. Демак, Бобур Мирзонинг қомусий олимлигини эътироф этиш янгилик эмас. Бизнинг мақсадимиз ушбу равшан ҳақиқатга янада ойдинлик киритиш ва янги асосли фикрлар билан бойитишдан иборат. Бобур Мирзонинг табиий фанлар соҳасидаги билими таҳсинга лойиқ. Биз Бобур Мирзонинг қуйидаги хислатларини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Бобур Мирзонинг бутун ҳаёти нафақат ёшларга, балки биз катталарга ҳам доимо ўрнак бўлиши керак. У 47 йилгина умр кўради, шундан 30 йилдан ортиғини жангу–жадаллар ва мусофирликда ўтказади.

Бобур Мирзони ватанга бўлган муҳаббат умрининг охирги сонияларигача ҳам тарк этмаган. Ёшларга ва барча ватандошларимизга яхши мақсадларга эришиш учун Бобур Мирзода шаклланган, таърифлашга жаҳон тиллари заҳираси ҳам ожизлик қиладиган ироданинг борлигини хислатлар–хислати, деб кўрсатиш мумкин.

Бобур Мирзонинг Ҳиндистон халқи олдидаги буюк хизматларига эҳтиром билдириш ниятида давлат арбоби, таниқли инсон Индира Ганди ўз қўли билан қимматбаҳо сўзана тикиб, унинг Аградаги қабрига ёпиб қўйган экан.(Ж.М.) Буни миллатимизга бўлган эътибор ва эҳтиром деб тушунсак, ёшларда миллий ғурурнинг шакллашида ҳаётий мисол бўла олади. З.М. Бобурнинг "Бобурнома" асари жуда кўп халқлар тилларига таржима қилинган, кишилар ўз иқтидорларига қараб, ундан баҳраманд бўлишган.

"Бобурнома" нафақат илмий, балки маданий–маърифий ва ҳаётий жиҳатдан ҳам ўрганилиши лозим бўлган асар. Дунё халқларида кўплаб урф–одатлар мавжуд бўлиб, улардан баъзиларини умумбашарий одатларга айлантириш зарур. Масалан, грузиялик бўлажак келинлар ўзларининг сеплари қаторида Шота Руставели–нинг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари бўлишини хуш кўрганлар. Агар, бизнинг бўлажак келинлар ҳам Навоийнинг «Хамса» сини, Бобурнинг «Бобурнома»сини ва бошқа саодатга элтувчи китобларни ўз мулкларига айлантиришса, ёшларимизнинг маънавий пойдевори мустаҳкам бўлиб, зарарли одатларга берилишини олди олинган бўлар эди.

Энди ул улуғ зотнинг табиат сирлари ҳақидаги асосли фикрларига ўтсак. "Бобурнома" асарида 100 тага яқин ўсимлик ва 80 тадан ортиқ ҳайвон турлари ҳақида фикр юритилади. Уларнинг ўсиш жойи, бўйланма ва текислик бўйича тарқалиши, тузилиши, фойдали ва зарарли томонлари биогеографларга хос моҳирона тасниф қилинади. Чунки Бобур фикрлари асосида биогеографик харита тузилса ҳозиргилардан ҳеч фарқ қилмайди. Ҳар икки харитадаги ўсимлик ва ҳайвонларни бир–бирига солиштирсак, йўқолиб кетган ёки хавф остида турган турларни осонликча аниқлаб олишимиз ва биологик хилма–хилликни сақлашда самарали фойдаланишимиз мумкин.

З.М. Бобурнинг табиат ҳақидаги фикрларини Ч. Дарвиннинг "Турларнинг келиб чиқиши" китоби билан солиштирсак, қайсидир жиҳатларини қиёсий ўхшатиш мумкин. Ҳар иккала шахснинг мақсадлари турлича бўлсада, умумий биологик қонунлар олдида бирбирига яқиндир.

Чунончи, Дарвин махсус илмий кемада Лондондан чиқиб, Жанубий Америка, Янги Зеландия оролларига бориб ҳайвон ва ўсимликларни ўргангаң бўлса, З.М. Бобур ҳам ундан 300 йил олдин Андижондан отда чиқиб, то Ҳиндистонгача бўлган оралиқдаги ўсимлик ва ҳайвонларни жангу–жаваллар ичра ўрганади.

Дарвин, Архипелаг ороларини текшириб маълум ҳайвон ва ўсимлик турларини айнан шу ерда учрашини қайд этса, Бобур Мирзо ҳам Фарғона водийсида учрайдиган баъзи ўсимлик ва ҳайвон турларини бошқа иқлимда учрамаслигини кўрсатади. Ҳар иккала қарашда ҳам энемик турлар, яъни маълум экологик шароитга мослашган ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида фикр юритилади.

Бобур Мирзони ҳайвонот дунёси билан шуғулланган систематик олим ҳам дейиш мумкин. У XVI аср бошларида ҳайвонларни 4 та типга бўлади: Сув ҳайвонлари; Сув ва сув бўйида яшайдиган қушлар; Паррандалар ва Қуруқлик ҳайвонлари. Албатта, бу XVIII асрдаги Ламарк систематикасидан фарқ қилади, лекин экологик жиҳатдан қараганда бироз бўлсада Бобур систематикасини қулайликлари бор.

Бизга маълумки, XVIII асрда К.Линней бинар номенклатурани, яъни қўшалоқ номлашни фанга биринчи бўлиб киритган дейилади. Масалан: хонаки ит, бўри ит ва ҳоказо. Ундан 300 йил олдин ёзилган "Бобурнома"да ҳам оқ кийик, тоғ кийик, қизил кийик, оқ лола, сариқ лола, оқ терак, кўк терак, мирза терак, бақа терак каби қўшалоқ номланишларни учратиш мумкин.

Бобур Мирзонинг ботаника, зоология, умумий биология ва экология соҳасидаги қимматли фикрлари ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бобуршунос олимларнинг фикрича Бобур Мирзонинг барча авлодлари унинг давлатчилик соҳасидаги ишларини давом эттирганлар ва шакллантирганлар. Аниқ фанларга келсак, уларни ўрганиш етарли даражада олиб борилмаган, афсуски ҳозирги кунимизда ҳам бу ишлар эътибордан четда қолиб кетмоқда. Биз бир неча йил бурун Ч. Дарвиннинг **"Турларнинг келиб чиқиши"** номли асарида Акбаршоҳ ҳақидаги қуйидаги фикрларини ўқиб қолдик: **"1600 йилларда Ҳиндистонда шоҳ Акбар жаноблари ўз саройида Эрон ва Турон зодагонлари томонидан жўнатилган 20000 (йигирма минг) дан ортиқ қушларни сақлар ва тарихчи олимларнинг айтишича, Жаноби олийларининг шахсан ўзлари бу қушларни чатиштириб, ҳайрон қоларли даражада ажойиб янги зотларни келтириб чиқарар эдилар"**.

Юқоридаги келтирилган фикрлардан қиёсий шундай хулоса қилиш мумкин. Ҳозирги замон генетикаси ва селекция фанининг асоси бўлган ирсият қонунларини эҳтимол, чех олими жаноб Грегор Мендель эмас, балки ундан 250 йил олдин яшаган муҳтарам Акбаршоҳ ўрганган-гандир. Чунки ирсий белгилар оддий нўхотдан кўра, тинчлик рамзи бўлган кабутарларда асослироқ кўринар. Биз Мендель қонунларига эгалик қилиш ниятидан узоқмиз, лекин ирсият ва генетика ҳақидаги рисолалар яратилаётганда Акбаршоҳ ишларини ҳам қайд этишларини жудажуда истар эдик.

Шунинг учун нафақат Бобур, балки юртимиздан етишиб чиққан барча улуғ алломаларимизнинг асарларини ҳам чуқур таҳлил қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, математика ва астрономия соҳасидаги ишларни қониқарли деб айтиш мумкин, лекин кимё, биология, тиббиёт ва экология фанлари бўйича ҳали кўп изланишлар олиб бориш лозим. Фаробий, Розий, Ибн Сино, Табиб Ҳусайний тиббиёти; Фаробий, Беруний, Фарғоний, Бобурларнинг табиий фанлар соҳасидаги ишлари тўлиқ ўрганилмаган. Буни қуйидаги мисол билан изоҳлаш мумкин: **"Ўз даври тиббиётининг яхшигина мутахассиси бўлган Фаробий касалликларни даволаш билан эмас, балки уларни келтириб чиқарган қонуниятларни ўрганиш билан соғлиқни сақлашнинг умумий муаммоларини ҳал қилиш керак; саломатликни экологик муҳит ҳолатига боғлиқлиги масалалари билан шуғулланиш зарурлигини уқтириб ўтади."** Демак, Фаробий минг йил олдин ҳозирги кун тиббиёти олдида турган улкан муаммони қандай ҳал қилишни кўра олган. Илмий меросимизни ўрганишдаги ҳозирги сусткашликни ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор. Аниқ фанлар билан шуғулланаётган олимларимиз шарқ тилларини яхши билмайдилар, шарқшунос олимларимиз эса, аниқ фанлар ҳақида чуқурроқ билимга эга эмаслар. Натижада кутубхоналар архивида сақланиб ётган илмий меросларимиз ўз ўқувчисини топа олмаяпти. Бундан илму–фан, маънавий–маърифий соҳаларда, миллий қадриятларимизни тиклашда, айниқса "Кадрлар тайёрлаш...нинг миллий дастури"ни амалга оширишда, бир қатор эҳтиёжларимизни қондириш зарурияти сезилиб қолмоқда.

Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун Шарқшунослик институтида ва республикамизнинг етакчи университетларида аниқ фанлар бўйича шарқшунослар тайёрлаш дастури ишлаб чиқилиши керак. Ўйлаймизки, бу савобли иш, мамлакатимизни дунёга юз тутишида ўз ҳиссасини қўшиш билан бир қаторда, халқимизнинг умуминсоний маданият ва фан ривожига қандай улуш қўшганлигини ёритувчи асарларни дунёга келишида кенг имкониятлар очиб берган бўлар эди.

З. М. Бобур ҳақидаги фикрларни яна давом эттириб қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин, у 1530 йилнинг 26 декабрида Агра шаҳрида вафот этади ва шу ердаги Нурафшон боғига дафн қилинади. Қисқа умри давомида буюк шоир, буюк давлат арбоби, буюк табиатшунос даражасигача етади, ўзидан «Бобурнома»дек қомусий асар қолдиради. Унинг сулоласи эса, XIX асрнинг ўрталаригача тарих саҳнасида яшаб келади ва Ҳиндистон давлатини ривожланишида улкан ишларни амалга оширади. Агар, Бобур Мирзо шунча таназзул, шунча фожиа ва шунчалар чигал тақдирга эга бўлмаганда, яна қанчадан–қанча савобли ишларни амалга оширган бўлур эди.

Биз юқорида баён этган фикрлар Бобур Мирзо илм гулзоридан бир ғунча холос ...

З.М. Бобур ва унинг авлодларини давлатчилик соҳасидаги, таълим–тарбияга оид, табиатни ўрганиш борасида амалга оширган ишларини махсус тадқиқотлар олиб бориб таҳлил қилишимиз ва олинган манбалар асосида рисолалар яратиб, миллий мафкурамизни янада шакллантиришга ўз ҳиссамизни, баҳоли қудрат қўшмоғимиз зарур.

Любовь ҚЎЧҚАРОВА,
биология фанлари доктори, профессор.
Жаҳонгир СИДДИҚОВ,
биология фанлари номзоди, доцент.

Буюк аждодларимизнинг беқиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф–одатларимиз ва анъаналаримиз,хуллас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти. Одамларда ўзлигини англаш, миллий ғурур, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни бунёд этишни ўз қўлимизга олганмиздан ғурурланиш каби туйғулар камол топаяпти, уларнинг бугунги ва эртанги кунга ишончи ортиб бораяпти.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Алишер Навоий ҳикмат бўстонидан

Ҳақ йўлинда ким сенга
бир ҳарф ўқитди юз ранж ила,
Айламоқ осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.

* * *

Олам аҳли билингким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир– биригизгаки эрур ёрлиғ иш.

* * *

Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига мояи дармон бўлғил.

* * *

Ки ҳар ишники қилди одамизод,
Тафаккур бирла билди одамизод.

* * *

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ
Етар яхшиликдин анга яхшилиқ

* * *

Кимки бир кўнгли бузуғни хотирин шод айлагай,
Онча борки Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

* * *

Ҳар кимки сўзи ёлғон,
ёлғони зоҳир бўлғоч уёлғон.

* * *

Нафъинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпрак дурур

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Шодмонлиғ чоғлари кўнглим мисоли настарин.
То бу чоғ кўрдим ўзим дунёнинг авра-астарин.
Худ бехудлиқ ичрадир очсам умрнинг дафтарин.
Гул эмаским қон этиб афлок бахтим ахтарин,
Қилди тийғи зулм ила юз пора анинг пайкарин.

Зулми ҳам бору ва лек турмушнинг озодлик туши.
Бирни сергак айласа бундин қочар бирнинг ҳуши.
Нола чекса дедилар булбул каби, ҳар дил иши.
Булбул эрмас, чиқти кўксум чокидин кўнглум қуши.
Ҳажр ўқи пайконлари бирла ясаб болу парин.

Уйғониш айёмидин завқ айлагум тонглар туруб.
Лолазорлардин нигоҳ тўймас аё бир-бир юруб.
Дил нафас олгай тўйиб райҳон, чечак бўйин сўруб.
Сабзадин эл равшан айлаб кўзу лекин мен кўруб,
Кўзда ҳижрон хайли заҳролуд қилғон ништарин.

Тунлари юлдуз ва ой бир бирга дўст асмон аро.
Ҳар назокат зийнати очгай эшик остон аро.

Гул баҳорнинг таърифи сиғмайди ҳеч достон аро.
Ул сочиб сориқ, қизил гул яфроғин бўстон аро.
Оҳ ила мен ёрутуб ҳижрон шарору ахтарин.

Минглар афсус гоҳо-гоҳ маҳзун хаёлнинг дўсти мен.
Сир синоат қўйнида ҳижронни тутган дасти мен.
Келмайин ўз ҳолима синган кўнгил кам кўсти-мен.
Не баҳор ўлғайки, эл гулгун қадаҳдин масту мен,
Вир тўла наргис киби кўрмай нишотин соғарин.

Эй баҳор ўзинг, ўзинг шавқингга қонма асруким.
Лол этурли тийнатинг завқида ёнма асруким.
Ҳар замон ўтгай шукуҳингга инонма асруким.
Ҳуснинг авроқиға, эй гулшан, қувонма асруким,
То хабар топқунг совурмиш тонг ели гул дафтарин.

Бўл Сулаймон васфи дунё асли чун илҳом тила!
Бит агар сўзи кифо битсангки камтарлик била.
Тун аро бедормисан кўнглингга шеърий май тўла.
Эй Навоий, майдин осойиш эрур бу важҳ ила.
Ким, баҳо бермак керак сен ақлу дониш гавҳарин.

Сулаймон ҲАЙДАР.

Дилкаш суҳбатлар

«ШЕЪР ЎҚИГАНДА ЮРАКНИ ШУВИЛЛАТСИН»

Шоир Иқбол МИРЗО билан мулоқот

—Ижод–кўнгил иши. Шоирнинг ижтимоийлашиб кетиши ижодига қандай таъсир қилади деб ўйлайсиз?

—Шоирни доимо ўй суриб юрадиган, шеър ёзишдан бошқасини билмайдиган мавжудот деб тушунмаслик керак. Шоирлар ҳам одам, уларнинг ҳам оиласи, бола–чақаси, ўзига яраша ташвишлари бор. Ҳамма гап шу ташвишларга ўралашиб қолмасликда.

Мирзо Бобур «Бобурнома»да «кўп вақтдан бери икки ҳайит намозини бир жойда ўқиш насиб бўлмаган» дея ёзади. Бобурнинг умри от устида ўтган, уни ҳаёт дағаллаштирган бўлса бордир, лекин бу унинг ижодига таъсир қилмаганлигини асарларини ўқиган зийрак мухлис англаб олади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Мирзо Бобурнинг ижоди дилбарлигича қолган. Ўз давримизга қайтиб айтадиган бўлсам, менга таниш ҳақиқий истеъдод эгалари, бир сўз билан айтганда, адабиётга ёниб кириб келган неча–неча шоирларнинг ижоди ҳозир кўринмайди, улар йўлда қолиб кетишган. Уларнинг истеъдодини танбаллик, иродасизлик, ичкилик «еди». Бу билан нима демоқчиман, айтмоқчи бўлганим, ижодкор ҳамиша изланишда бўлиши керак. Инсон бирон жойда ишлаши керак–ку. Ижтимоийлашиб кетиш... Фикримча, бу ижодкорнинг қаерда ишлашига боғлиқ. Мен камдан–кам ҳолларда кўнглимга қарши бораман, ҳозирги иш жойим ҳам кўнглимга тўғри келгани учун ёқимли. Бу ерда ишлашимни ижтимоийлашиб кетиш деб ўйламайман. Ўзимга маъқул яна бир томони кимнидир қўллаб–қувватлаш, кимгадир ёрдам бериш имкони бор, айниқса, ижодкорларга.

Аллоҳ истеъдодни шингиллаб эмас, улгуржи беради. Шеърият шахс ихтиёридан ташқари ҳодисалиги билан гўзал. Мен ижодимга ҳалақит бермагани, кўнглимга ёққани учун шу ерда, «Ассалом Ўзбекистон»да ишлаяпманми, ўзимни кўрсатишим керак, мухлислар талаби, янги ғоялар билан кўрсатувни томошабинга манзур қилиш бурчим. Менинг иш жойим ижодимга ҳалақит бермайди, умуман ўзига маъқул ерда ишлашни ижодкорнинг ижтимоийлашиб кетиши деб белгилаб бўлмайди.

—Яқинда Ёшлар телеканали орқали берилган кўрсатувда ўзбек модерн шеърияти ҳақида мулоҳаза билдириб, «Ўзбек модерн шеърияти» китобидан биронта шеър топмадим дедингиз. Модерн ўз маъно–моҳияти билан «янгилик» дегани. Сиз ўша гаплар билан ҳозирги адабий жараёндаги янгиликка қарши бўлиб қолмадингизмикан?

— Мен доим айтаман, модерн — замонавийлик. Шарқ шеърияти оҳанги билан ширин. Шеърда туйғу, оҳанг, фикр, шакл бирлиги бўлмоғи керак. Менга қолса, бундай шеърлар шу бирликнинг биттаси, яъни чала кўриниши. Бу шахматнусха шакллар шеър эмас, бундай шеър ёзиш туйғудан кўра кўпроқ ақлга асосланган. Уни ёзиш қийин ҳам эмас. Майли, маъқул келса, уларни ҳам ўқийверишсин. Лекин мен ўқимайман, менга бу шеърлар олифталик кўринади. Йўқ, бу инсоннинг кийимига қараб бериладиган баҳо эмас, бу инсоннинг ички олифталиги ҳақида. Улар «ҳеч ким кўрмаган нарсани мана мен кўряпман» деган даъвода шеър ёзаётгандек туюлади мен учун. Ҳақиқий шеър эса... кимнидир севасиз, бировга айтай десангиз айтолмайсиз, айтмай десангиз ичингизга сиғмайди. Исмини дафтар четларига, хонангиз деворларига, дарахт танасига ёзасиз. Ўша исмни эшитиб қолсангиз ҳам ҳаяжонга тушаверасиз. Ростмана шеър ўша дафтар четларига ёзилган ИСМдек самимий бўлмоғи керак. Шеър ўқиганда юракни шувиллатсин. Шеър содда бўлсин, оҳангдор бўлсин, таъсирли бўлсин. Мен бу янгиликка қарши эмасман, булар — менинг шахсий фикрларим. Асли янгилик деб айтилаётган бу йўл аллақачонлар босиб ўтилган. Ҳозир биздаги модерн шеърларга шунчаки машқ, эксперимент деб қарайман.



Иқбол МИРЗО устоз Абдулла ОРИПОВ билан.

—«Мени эслайсанми», «Танланган шеърлар» китобларингиз ёниқ шеърлардан тузилган эди. Бу бир менинг эмас, кўплаб мухлисларингизнинг фикри. Яқинда чоп қилинган «Қўшиқларим» номли китобингиздаги шеърлар аввалги китоблардаги туйғулар олдида соддароқ бўлиб қолгандек.

— Тўғриси, шу фикр ўзимдан ҳам ўтди. Янги китобга мен шеър деб ҳисобламайдиган машқлар ҳам кириб кетди, кимларнингдир маслаҳатларига қулоқ солганим ҳам бунга сабаб бўлди. Лекин шу шеърлар ҳам барибир бир кун ёруғлик кўриши керак эди. Қизиқ томони, «Қўшиқларим» 2 ҳафтанинг ичида сотилиб тугади. Буюртмага асосан яна 10 мингта босишмоқчи. Демак, одамларга ёқибди.

Бундан 10 йил аввалги шеърларимни «ўзимни кўрсатиб қўяман» деб ёзардим. Ҳозир эса, яъни 5–6 йил ичида шеърларим анча соддалашган — ўзим биламан. Мақсад — ўқувчиларга тушуниш осон бўлсин, ёзганимни онам ҳам, болам ҳам тушунсин.

Бугун ёзган шеърим ўзимга ёқиши керак. Ўзингга ёққан шеър бошқаларга ҳам ёқар экан. «Қўшиқларим»да ҳам ўзим яхши кўрган шеърлар бор. Шу кунларда янги китоб сўраб ёзилган хатлар анчагина бўлиб қолди. Ҳарқалай, бу китобнинг ҳам шеърхонларга маъқул келганидан хурсандман.

—«Ўшанда ўзим ҳам олов эдимда, Тушовини узган тойга ўхшардим» деб ёзгандингиз бир шеърингизда. Демоқчиманки, болалик, ўсмирлик йиллари соғинчлари ҳақида...

— Болалигимда футболни яхши кўрардим, яхши ўйнардим ҳам. Яна, балиқ овини яхши кўрардим. Қармоқнинг пўкаги қимирлаши сирли жараён эди мен учун, қандай балиқ илинганини билишгача, яъни номаълумликдан аён бўлиш пайтигача ҳолатим бошқача бўларди.

Ҳовлимизда олма дарахти остида гулзор бор эди. Райҳонлар баланд–баланд ўсарди. Ўша гулзор ичида китоб ўқиб ётардим. Рауф Парфи, Лермонтов, Абдулла Ориповнинг китобларини ўша ерда ўқиб, ихлос қўйганман. Шеърлар ёзардим, ҳатто онамдан ҳам қизғанардим ёзганларимни. «Болаликнинг қимизак олмалари» номли ҳикоя ҳам ёзгандим. Ўша ерда ётиб газета келадиган пайтни кутардим. Почтальон бир даста газетани «тўп» этказиб дарвозадан ташлар, мен югуриб бориб олардим. Ҳаммадан аввал мен ўқирдим. Қисқаси ўзимнинг оламим бор эди, китобларнинг сеҳрли олами эди у. Болалик, ўсмирлик ҳақида шеърларимда ҳам кўп ёзганман. У даврнинг туйғулари тоза, қарашлари пок бўлади. Ўша даврларни соғинаман, лекин ўксинмайман. Чунки, одам бугунги кун билан, унинг чиройли бўлиши учун яшаши керак. Менга бугунги куним гўзал.

— Айни пайтда нималар ёзяпсиз ёки қандай асарлар ўқияпсиз?

— Яқинда «Алкимёгар»ни ўқиб чиқдим, менга кучли таъсир қилди. Менинг доимий ўқийдиган китобларим бор. Булар — Ҳазрат Навоийнинг асарлари, «Бобурнома», «Калила ва Димна», Хемингуэй, Нодар Думбадзенинг асарлари. Менинг фикримча, янги китоблар чиқибди, деб ҳар–хил китобни ўқийвермасдан, қайта–қайта бўлса–да, яхши, ўзингга маъқул асарларни ўқиш керак. Ёзишга келсак, ижодий кайфиятдаман, ёзяпман.

— Тилакларингиз.

— Жуда бой адабий меросимиз бор, гениал ижодкорлари бор халқмиз. Ҳатто бошқа миллатлар кўзига суртса арзийдиган ижодкорларимиз кўп. Шундай ижодкорлар орасида ўзингнинг номингга эга бўлиб юриш ҳам бир масъулият. Истардимки, ҳар бир ижодкор шу масъулиятни ҳис қилиб ижод қилса. Мухлисларга, газетхонларга тилагим ижодкорларни, ижодни қадрлашсин. Ҳар бир ўзбек хонадонида ҳазрат Навоийнинг, Мирзо Бобурнинг китоблари бўлсин.

—Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Зумрад ВАҲОБОВА
суҳбатлашди

БИЛСАНГ ЭДИ...

Кел, деганда, ноз қилмасдан келсанг эди,
Гул берганда, қайрилмасдан олсанг эди,
Ўзинг қандоқ яхшилигинг биласан–у,
Сени қандай севишимни билсанг эди!

Бу дунёга озиб–ёзиб бир бор келиб,
Наҳот ўтсам ҳижронларда бағрим тилиб?
Сен юрасан дардим билмай, қадринг билиб,
Сени қандай севишимни билсанг эди!

Музни қандай куйдиришни биласан–а,
Суймаганнни суйдиришни биласан–а,
Лайлолардан қолган ишқни биласан–а,
Сени қандай севишимни билсанг эди!

Чора истаб бечораман мен чорасиз,
Феълинг сабаб иккимиз ҳам оворамиз,
Ичи қора қиз экансан, э қора қиз!
Сени қандай севишимни билсанг эди!

Етти иқлим, сув–ҳавони биласан–у,
Бешта қитъа, ер–самони биласан–у,
Менга қара, ҳар балони биласан–у,
Сени қандай севишимни билсанг эди!

ОВОРА

Яқин ҳам келолмай, узоқ кетолмай,
Ернинг атрофида йўлдош овора.
Заминни бир текис чаман этолмай,
Миллиард йил нур сочиб қуёш овора.

Баҳор сизга бермиш гулдан зеб, сарпо,
Мендай ўткинчига энди не парво.
Ўйин билан бандсиз шўх ва бепарво,
Хиноли бармоқда тўптош овора.

Қизбола бош билан дунёни англаб,
Ақл билан чертиб, оласиз танлаб.
Ўзларин дардларин ўзлари тинглаб,
Мендай неча телба, бебош овора.

Қачонки, ўзандан узилади сув–
Уч кун тўхтаб қолса, бузилади сув.
Юрагим остида эзилади сув,
Кўзимга чиқолмай кўзёш овора.

Иқбол МИРЗО.

НОЁБ ҚЎЛЁЗМАЛАР ТАДҚИҚОТЧИСИ

Аждодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган қўлёзма асарлар Ватанимиз, халқимиз тарихини ўрганишда ноёб ва қимматли манбаа бўлиб хизмат қилади. Бу қўлёзма манбаалар Ўрта Осиё халқлари жаҳон илм–фани ва маданияти тараққиётига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганликларини кўрсатувчи ҳужжатлар ҳисобланади. Ноёб шарқ қўлёзмалари ўтмиш тарихимиз, маданиятимиз ҳақида кўп ва муҳим маълумотлар беради. Ана шу манбааларни ўрганиш ва илмий асосда таҳлил этиш шарқшунос олимларимизнинг шарафли вазифасидир. Ўзбек шарқшунос олимлари бу соҳада бир қатор илмий ишлар қилиб, илмий мақолалар, асарлар ёздилар, ноёб қўлёзмаларни таржима қилиб, ўқувчиларга етказдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Омонулло Бўриев институт қўлёзмалар хазинасидаги нодир меросни зукколик билан тадқиқ этиб келаётган таниқли манбаашунос олимдир. Омонулло Бўриев 1970 йилда Тошкент Давлат университетининг география факультетини тугатгач, 1970–1979 йиллар мобайнида Ўзбек Энциклопедияси таҳририятида илмий муҳаррир, бўлим муҳаррири лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Омонулло Бўриев Ўзбек Энциклопедияси таҳририятида ишлаган вақтида кўпроқ Шарқ географияси, топонимикаси, айниқса, ўрта аср географ олимлари ва сайёҳларининг асарлари, кундаликлари, шарқ қўлёзмаларига бўлган қизиқиши ва ўрганишга интилиши кучли эди. Шу боисдан ҳам махсус курсларга қатнаб, устозларидан араб ва форс тилларини пухта ўрганди.

Шундан сўнг О.Бўриев Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига ишга келди. Мана 26 йилдирки, Омонулло Бўриев 1979 йилдан шарқшунос олим сифатида институтда аввал илмий ходим, 1995 йилдан бошлаб эса, «Манбаашунослик ва қўлёзмаларни тавсифлаш» бўлими мудири лавозимида ишлаб келмоқда.

Дастлаб, ёш олимнинг илмий изланиши 1979 йилдан бошланган эди. Тошкентнинг XIX аср тарихчиси Муҳаммад Солиҳхўжа домла Раҳим Қорахўжа ўғлининг «Тарихи Жадидайн Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») номли, шаҳарнинг XIX аср тарихи ва географияси (топографияси) ҳақида ҳикоя қилувчи ягона қўлёзма асари асосида Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишлаб «Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида» номли рисоласини 1983 йили таниқли шарқшунос олим Асомиддин Ўринбоев билан биргаликда тайёрлаб чоп эттирди.



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Рашид Бойтуллаев–Қашқадарё воҳасининг Китоб туманида туғилган.

1965 йили Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини тугатган. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, Олий тоифадаги ўқитувчи, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Рашид Бойтуллаев кўп йиллардан бери ўлкамиз тарихи ва унинг бой маданий меросини ўрганиш билан шуғулланиб келмоқда.

Газетамизнинг ушбу сонида Рашид Бойтуллаевнинг таниқли шарқшунос олим Омонулло Бўриевнинг илмий фаолиятига бағишланган мақоласи билан танишасиз.

Омонулло Бўриев Шарқшунослик институти фондида сақланаётган ноёб қўлёзма асарлар хусусан Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ҳамда тарихий географиясига доир бир неча манбаалар асосида илмий тадқиқотлар олиб борди, XV асрда яшаб ўтган Ҳофизи Абрунинг «География» асарини бир неча қўлёзма нусхалар ва нашрлар асосида илмий тадқиқ қилиб, ушбу мавзуда номзодлик ишини муваффақиятли ёқлади. Олим Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»ларининг ўзбек тилидаги нашрларини чоп этилишида ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига 1996 йили ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида алоҳида нашр қилинган «Амир Темур жаҳон тарихида» китобининг муайян қисми О.Бўриев қаламига мансуб.

Мустақиллик йилларида Омонулло Бўриевнинг илмий фаолияти учун янги имкониятлар очилди, Соҳибқирон Амир Темур тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган манбааларни тўплаб ўрганиш ва уни нашр этиш борасида бир қатор ишларни амалга оширди. Олимнинг энг муҳим ва йирик илмий тадқиқотларидан бири 1997 йилда нашр этилган «Темурийлар даври ёзма манбааларида Марказий Осиё» (тарихий–географик лавҳалар) китобидир. Ушбу китобда темурийлар давлатининг маъмурий–ҳудудий бўлиниши, ўша давр ёзма манбааларида Марказий Осиё табиати ва хўжалиги, Марказий Осиё ҳудудида қайд этилган жой номлари ва бошқа муҳим масалалар баён этилган. Шарқшунос олим ал–Хоразмий, ал–Фарғоний, Ҳофизи Абру сингари буюк алломаларнинг географик меросини тадқиқ қилиш жараёнида ушбу катта ишга зарур материалларни тўплаб пухта замин тайёрлаган эди. Айни мавзу бўйича дастлабки йирик тадқиқот бўлган бу китобдан баъзи олий ўқув юртларида тарихий география, манбаашунослик каби фанлардан ўқитилаётган дарсларда кенг фойдаланилмоқда.

Омонулло Бўриев 20 дан ортиқ китоб, 160 га яқин илмий ва илмий–оммабоп мақолалар муаллифидир. Унинг 1983 йили география фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳасанов билан биргаликда тайёрлаган «Ал–Хоразмий географияси», 1989 йилда нашр этилган «Асрлар бағридан келган шодиёна» («Наврўзи олам бугун» тўплами), 1990 йилда «Наврўз тарихидан лавҳалар», 1999 йилда «Хоразмшоҳлар–Темурийлар», шу йили Шарқшунослик институтининг илмий ходими (ҳозирда тарих фанлари номзоди) Н.Тошев билан биргаликда «Жалолиддин Мангуберди», 2000 йили «Ҳаж сафари дафтари» (Носир Хисравнинг «Сафарнома»сидан), 2001 йилда «Темурийлар даври манбааларида Чағониён», 2004 йилда Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан ҳисобланмиш Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйига атаб «Манбааларда Шаҳрисабз тавсифи», 2004 йили «Клавихонинг Самарқандга саёҳатининг 600 йиллигига» каби рисолалари шулар жумласидандир.

Омонулло Бўриев Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган ноёб қўлёзмаларни тадқиқ ва таржима қилиш ишларига ўзининг асосий эътиборини қаратмоқда. Жумладан, Абу Мансур Мотурудий таваллудининг 1130 йиллигига бағишлаб алломанинг «Иршод–ал–Мубтадийн» номли асарини топиб, фанга эълон қилди ҳамда уни форс тилидан ўзбек тилига ўгириб нашрга тайёрлади. Илмий изланишларининг давоми сифатида Амир Темур ва темурийлар даврида яшаб ўтган Саид Амир Кулол, Абу Бакр Тайободий, Ҳожа Муҳаммад Порсо, Ҳожа Алоуддин Аттор сингари тасаввуф арбоблари ҳақида ҳам қимматли материаллар тўплаб, илмий мақола ва рисолалари эълон қилинди. Истеъдодли олим Шарқшунослик институти, Республика ва халқаро доирада ўтказилган илмий анжуманларда ўзининг қизиқарли маърузалари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг Ҳожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигига бағишланган «Ҳожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни» мавзуида ўтказилган Республика илмий–амалий анжуманида сўзланган «Ҳожа Аҳрор Валий яшаган даврда Мовароуннаҳр ва Хуросон» номли маърузаси шулар жумласидан бўлиб, алоҳида диққатга сазовордир.

Айни кунларда серғайрат олим Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан, тўйга тўёна сифатида институт қўлёзмалар фондида сақланаётган асарлардан Қарши шаҳри тарихига доир манбааларни тўплаб, ўрганишга киришган.

Сермаҳсул илмий изланишлари билан бир вақтнинг ўзида Омонулло Бўриев Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетида ёшларга манбаашунослик ва тарихий география фанларидан сабоқ бериб келмоқда. Республикамизда шарқшунослик ривожи, хусусан, темурийлар даври тарихи манбаашунослигига салмоқли ҳисса қўшган истеъдодли манбаашунос олим, меҳрибон ва талабчан муаллим, илм фидойиси Омонулло Бўриевга эзгу фаолиятларида янгидан–янги муваффақиятлар ёр бўлсин.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

Оммавий ахборот воситалари жамият кўзгусидир. Ривожланиш пиллапояларини босиб ўтаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлини танлаб олишида матбуот, телевидение, радио ва ахборот агентликларининг ўрнини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бугун қайси бир соҳани олмайлик омма билан юзлаштирувчи матбуот нашри бор. Бу баркамоллик сари бир қадам десак тўғри бўлади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси муассислигида чоп этиладиган маънавий–маърифий, илмий–сиёсий «Ўзбекистон матбуоти» журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Журнал саҳифаларида асосан 2004 йил республика оммавий ахборот воситаларида чоп этилган, эфирга узатилган кўрсатувлар, дастурлар, эшиттиришларга фикр–мулоҳазалар, таклифлар, муносабатлар, илмийлик нуқтаи назаридан берилган баҳоларни ўқишингиз мумкин. Яна бир муҳим жиҳат, Президентимиз таъбири билан айтганда «тақдир қисмати доим халқ билан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, элу–юртнинг қувонч–ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари» яъни, журналистлар ҳеч бир жараёнда ортда қолмаслиги, воқеа–ҳодисанинг мазмун–моҳиятини етказувчи куч эканлигига амин бўламиз. Айниқса, журналда берилган «Тарих ва тадқиқот», «Хориж тажрибаси», «Ибрат» каби рукнларда айни шу кунларда ОАВнинг эътиборга молик ютуқларига бағишланган мақолалар долзарблиги ўқувчининг эътиборидан четда қолмайди. «Касбимиз одоби» рукни берилган мақолада эса, бугунги кун журналистининг қандай бўлиши керак эканлиги ҳақида сўз боради, қалам тутган ҳар бир кишини «журналист» дейиш тўғримикан деган саволни ўртага қўяди.

Журнал ўз олдига қўйган эзгу мақсадлари, вазифаларини амалга оширишда бевосита қалами ўткир журналистлар, филологлар, файласуфлар, турли ижтимоий фанлар тадқиқотчиларига, ижодкор зиёлиларга умуман, жамоатчилик ёрдамига таянади.

Булардан ташқари журнал саҳифаларида журналистларни ҳуқуқий тафаккурини бойитиш, демократик тузумда сўз кучини тўғри баҳолай билиш мақсадида бир қатор мақолалар берилганлиги, жаҳон тажрибаси эътироф этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, «Ҳуқуқий саводхонлик ва ОАВ» мақоласида «ОАВлар ва суд ҳокимияти ўртасида мулоқот учун асослар белгилаб олиниши лозим. Бундай мулоқотсиз демократик тузумни бу икки муҳим таркибий қисми орасида ишонч ва холислик муҳитини, айниқса, қонун устиворлиги тизимини яратиш учун имконият бўлмайди» деб ёзилади.

Журналнинг янги сонининг фарқли томонини қисқа қилиб «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2004 йилдаги фаолиятига бир назар» десак муболаға бўлмайди. Кўзланган режалар баёнига келсак, энг бирламчи вазифа мамлакатимизда ОАВ нуфузини том маънодаги «тўртинчи ҳокимият»га айлантиришдир Зеро, Аббосхон Усмонов ёзганларидек: «ОАВнинг обрўйи — мамлакат ва халқнинг обрўйи, маънавиятимиз обрўйи». Буни унутмайлик.

МЕҲР ДИЛИМИЗДА, ТИЛИМИЗДА БЎЛСИН!

Ҳовлимизда икки туп атиргулимиз бор. Бобом қаламчаларини Марғилондан олиб келганлар. Атиргуллар илк бор ғунчалаганида уйимизда байрам бўлиб кетганди. Ўзиям жуда чиройли очилганди–да ўшанда. Бугун эса, биттаси ғунчалапти–ю, иккинчиси ўзини зўрға тутиб турибди. Ажабланиб ойимдан сўрадим. Ҳар бир саволга ўзининг қаричи билан ўлчаб, тўғрими, нотўғрими жавоб берадиган синглим ҳали ойим жавобга оғиз очмай туриб «Шуни ҳам билмайсизми, бунисига қуёш нури кўп тушяпти, иккинчиси эса девор соясида ўсяпти» деди. Ҳа, дарвоқе, аҳамият бермаган эканман. Ҳайрат ичра ўйланиб қолдим.

Ҳовлимиз ўртасидаги атиргулнинг тикка, барглари товланиб, ғунчалари очилиши арафасида девор соясида қолгани қуриб–қовжираб бораётганди.

Назаримда, асли инсон зоти ҳам шундай. Унга меҳр–муҳаббат, эътибор қанчалик юқори бўлса, унинг яшашга, эзгуликка иштиёқи шунча баланд бўлади. Қуёш нурини ўлчаб бўлмаганидек, инсонларнинг бир–бирига меҳр–муҳаббатини ҳам ўлчаб бўлмаслиги ҳақиқат. Кўнгил–кўнгил деймиз–у, ана шу кўнгил мулкини очгувчи энг биринчи калит меҳр–муҳаббат эканлигини барча бирдек билмаслигини тан олгимиз келмайди.

Дейлик, кексайиб қолган отахон ёки онахон фарзандлари, яқинлари меҳридан қониб, уларнинг ардоғида яшамоқда. Ўзи кекса бўлса–да, руҳи тетик, дилида яхшилигу, тилида дуо, умри поёнида у ҳаётдан, ҳаёт ундан ризо бўлишини истайди. Хуллас, уни бу ҳаётдан ҳеч ким сиқиб, чиқариб қўя олмайди. Бунинг акси бўлса–чи? Меҳр–муҳаббатдан четда қолган инсон худди ҳовлимиз четидаги мунғайиб, ҳаётдан умидини узгандек турган атиргулдек соат, сония сайин тўкилиб боради.

Эрта баҳорнинг илк кунларида девор соясидаги атиргулнинг қуёш нуридан бебаҳра қолишини ўйласам, меҳрибонлик уйларида ёки бирон–бир қариндоши қўлида тарбия топиб, ота–она меҳрига зор ўсаётган болалар ёдимга тушиб, дилим тирналади.

Азизлар! Инсонни Аллоҳ ўз марҳамати ила яратиб, жамики мавжудотлар орасида азиз ва мукаррам этиб меҳрини берган. Шунинг учун ҳам бу оламнинг гултожи инсондир. Бу беш кунлик дунёда қуёш нури янглиғ меҳр–муҳаббатимизни бир–биримиздан дариғ тутмайлик.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА

ҲУНАРЛИ КИШИ ХОР БЎЛМАС

Йигит кишига етмиш ҳунар оз,— дейди доно халқимиз. Бойлик, мартаба, барчабарчаси ўткинчи. Аммо ҳунарни ҳеч ким тортиб ололмайди. Миллий ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириб келаётган устозодалар санъатимиз намуналарини асрдан-асрларга олиб ўтишдек шарафли ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бир ўйлаб кўринг, юртимизга ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар энг аввало нимага эътибор қаратадилар. Албатта, миллий ҳунармандчилигимиз асосида яратилган буюмларимизга. Халқни халқ, миллатни миллат қилиб кўрсатиб турадиган, асрлар оша яшаб келаётган ўзига хос ҳунарлар кўзгудагидек намоён бўлиб туради дунё нигоҳида.

Гоҳида ўйлаб қоласан, бугун, техника тараққий этиб турган бир пайтда, миллий ҳунармандчиликка кўпчилик ёшларимиз ўртасида эътибор сусайиб бораётгандек... Биз ёшларнинг қимматли вақтлари беҳудага сарфланмаслигини истаймиз! Улар фурсат топиб, усталарга шогирд тушиб, ҳунар ўрганиб қўйсалар фойдадан ҳоли бўлмайди



И. С. ТУРГЕНЕВ

ЧУМЧУҚ

Овдан қайтаётиб боғ йўлкасидан кетиб борардим. Итим мендан олдинда югурди.

Бир вақт у юришни секинлатди ва олдида овланган қуш ётгандек писиб бора бошлади. Йўлкага қараган эдим чумчуқ боласини кўриб қолдим: тумшуғи атрофини сариқ эт босган, бошида пар дўппи бор эди. Шамол йўлка ёқасидаги қайинларни қаттиқ силкитганлигидан у уясидан қулаб тушган бўлиб, энди ўсиб келаётган қанотларини ёзган ҳолда қимир этмай ночор ҳолатда турар эди.

Менинг итим секин-аста унга яқинлашиб борар экан, бирдан шу яқиндаги дарахтдан туриб отилган кўкраги қора мода чумчуқ парларини ҳурпайтирган, таптортмаган ҳолда чирқиллаб, итнинг очилган оғзи сари икки марта ташланиб учди.

Чумчуқ ўз боласини қутқармоқ учун гавдасини ғов қилиб бўлса-да ҳамла қилар, лекин унинг мурғак танаси даҳшатдан титрар, овози бўғилиб жонини фидо этишга тайёр эди!

Ит унинг тасаввурида нақадар баҳайбат махлуқ бўлиб кўрингандир!

Шундай бўлса-да, у ўзининг баланд, хавфхатарсиз шох навдасида тура олмаган...

Унинг иродасидан ҳам ўтадиган куч-қувват уни уёқдан ташлаб юборган.

Менинг Трезорим тўхтаб қолиб, тисарилди. Чамаси ит ҳам шу кучни тан олган кўринади.

Мен ҳижолатда қолган итни апил-тапил чақириб олдим ва ҳурмат-эҳтиром билан нари кетдим.

Ҳа, шундай. Менинг гапимдан кулиб юрманг. Ҳа мен шу қаҳрамонона кичкинагина қушни, унинг меҳру-муҳаббатини ҳурмат-эҳтиром қилдим.

Меҳру муҳаббат ўлимдан ҳам, ажал даҳшатидан ҳам кучлидир, деб ўйлардим. Ҳаёт деганимиз шу меҳру муҳаббат туфайлигина тирикдир.

КАКЛИКЛАР

Охир-оқибати кўринмайдиган толиқтирарли хасталикдан ўринда ётавериб ўйлардим:

Нимамга шу касалликка чалиндим? Нимага худди менга келиб ёпишди у? Бу адолатдан эмас, адолатдан эмас!

Қалин анғизи ерда йиғирматача келадиган ёш какликлар оиласи йиғилиб, бир-бирига суйкалар, юмшоқ ерни ковлашар, қўйингчи бахтиёр эдилар десак бўлади. Бир вақт уларни бир ит келиб чўчитди: улар бараварига ердан кўтарилдилар, айни шу вақт ўқ ҳам узилди ва какликлардан бири қулади. Унинг қанотига ўқ тегиб ярадор бўлганди. Каклик оёқларини зўрға босиб ўзини эрмангорга урди.

Ит уни қидирар экан, бечора каклик бундай деб ўйлаётгандир: «Мендек какликлардан йигирмата эдик... Хўш, нима учун ўқ айни менга келиб тегиб, энди мен ўлишим керак экан? Қолган какликлардан менинг қаерим кам? Адолатдан эмас бу иш!»

Ажал келиб сенга ёпишмагунча жойингда қимирламай ётавер, ярадор жонивор.

Шарофиддин КЎНЧИ таржимаси.

Турфа олам

СИРЛИ ШЕЪР

Азал-азалдан шеър илоҳий ҳодиса ҳисобланган. Айтишларича шеърни шоирнинг қулоғига фаришталар айтиб туришар экан. Шунинг учун ҳам шеър инсонларни оҳанрабодек ўзига тортиб турар, шеър нима деб берилган саволга шоирларни ўзи ҳам жавоб бера олишмаганининг боиси ҳам балки шудир.

1792-1878 йилларда яшаб ижод этган рус мумтоз шеъриятининг машҳур намоёндаси шоир Вяземский ҳаётидаги бир сирли ҳодисани бунга мисол қилиб келтирамиз. У ёшлигида жуда шўх бўлиб, илоҳиётга умуман ишонмас экан. Агарда бирор даврада ғайритабиий илоҳий ҳодисалар ҳақида сўз боргудек бўлса кулиб, менсимай қабул қиларкан. Бир куни у тунда дўстлари даврасидан уйга қайтаркан Нева дарёсининг Аничков кўпригидан ўтганда ўз уйига кўзи тушади. Айниқса, биронта инсоннинг кириши таъқиқланган ижодхонасида чироқ ёниб турганлигини, дераза ёнида жойлашган ёзув столи ёнидаги шарпани кўриб ҳайратдан қотиб қолади. Князь қадамини тезлатиб уйга кириб келади ва шошиб хизматкорларни чақириб, хонада ким бор деб сўрайди. Ажабланган хизматкорлар елка қисишиб, унинг саволини тушуна олмаганликларини билдиришади. Сўнгра князь зудлик билан хонани калитини келтиришларини буюради. Унга калитлар солинган қутичадан ижодхонасининг калитини олиб беришади. Ниҳоят, эшикни очиб ичкарига киради, ҳақиқатан ҳам стулга ўтириб олиб, қоғоздан бошини кўтармай бир киши ижод билан машғул эди.

У киши шу қадар берилиб бир нималарни ёзар эдики, эшик очилиб хонага биров кирганини ҳам пайқамайди. Шоир аста унинг орқа томонидан бориб столдаги ёзувни ўқийди, сўнг ёзаётган кимсани юзига қарайди-ю қичқириб, ҳушидан кетди. У ўзига келганида ётоқда ётарди, хизматкордан суриштиради, у ҳеч нима кўрмаганини айтади, фақат шоирнинг ёзув столидаги шамни ўчирмоқчи бўлганида, столдаги шеърни ўқиганини айтади. Князь дарҳол хизматкорни қасам ичириб, бу шеър ҳақида ҳеч кимга оғиз очмасликни буюради. Кейинчалик бу сирни шоирнинг ўзи дўстларига фош қилади. Ёзув столида ёзиб ўтирган ўша кимса аниқ ўз қиёфадоши эканлигини тан олади. Аммо ўша шоирнинг қиёфадоши ёзган шеър қайси эканлигини ҳеч кимсага ошкор қилмайди. Илоҳиётга ишонмаган шоир князь Вяземский ўша воқеадан сўнг умрининг қолган қисмини фақат тоат- ибодат билан ўтказади.

М. СИДДИҚОВ тайёрлади

ИНСОН БУ ДУНЁГА МЕҲМОН ЭКАН

Ҳаёт мактаби

Автобусда кетаётган эдим. Беихтиёр олдиндаги икки аёлнинг сўзлари қулоғимга чалинди.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсиз, айланай?

— Оҳ, опоқижон, қайнсинглимни шу маҳалладан сўраб боришаётган эди. Суриштиришга келган эдик. Ота-онаси, куёв бўлмишни мақташди-ю... аммо... Бир ҳовлида икки овсин туришар экан. Овсинларининг эри... ҳалиги... Сал ичиб келса тўполон кўтарар экан. «Ҳовлини ташлаб чиқ... Бу ҳовли менга тегишли» деб...

— Бо, унақа бўлса, қийин савдо экан, — деди кекса ёшдаги аёл бошини сарақ-сарақ қилиб. — Ҳайронман, ҳозир икки ака-ука бир ҳовлига сиғишмайди. Менинг ўзим тўрт амаки билан турганман. Ўша олис болалигимни қўмсаб-қўмсаб эслайман.

Болалигимда амакимнинг икки қизлари билан бувимнинг ёнларида, танча атрофида ётардик. Рўза кунлари келинойимлар галма-галдан овқат қилиб, саҳарликка саъмоварларни шақиллатиб қайнатиб, олиб келишарди. Биз уйқусираб ўтирардик. Синглим, ўша кунларни армон, соғинч билан қўмсайман... Қандоқ аҳил-иноқ яшардик. Амакимнинг қизлари бирин-кетин узатилиб кетишди. Кейин бувимдан ажралдик... Вақт-соати келиб мен ҳам турмушга чиқдим. Тушган жойим ҳам кўпчилик экан. Овсинларим билан баробар юмушларни бажариб юрдим. «Қизил тонг» ателъесида ишлардим. Олтита фарзанд ўстирдим. Ер қимирлаган йили уйимиз бузилиб, ҳаммамиз ҳар ёқда бўлиб қолдик. Орамиздаги оқибат йўқолмасин, болаларимиз бегоналашиб кетишмасин, деган ниятда бир ойда йиғилиб, суҳбатлашиб, туриш-турмушимиздан хабарлашиб турамиз.

— Хилма-хил овқатлар бўлса керак-а, опоқи? — гап қотди ёшроқ бир аёл.

— Йўқ, айланай, энг катталари менман. Бир овқат, бир салатдан ортиқча харажат қилдирмайман.

Уволидан қўрқаман, сингилжоним. Бувим раҳматли ҳатто нон ушоқларини ҳам териб ер эдилар. Раҳматли, очарчилик йилларини кўп кўрган экан-лар...

Менинг тушадиган бекатим келди. Истар-истамас автобуснинг эшиги томон йўл олдим.

Бояги кекса аёлнинг гаплари... Бувижонимни эсладим (илоҳим, ётган жойлари нурга тўлсин). Мен катта набира бўлганим учунми, ачомлаб, эртаклар айтиб ётардилар. Элас-элас эслайман. Уйга газ туширгунча, қиш кунларида бувимнинг уйларида танча бўларди. Ким келса, танча четида топ-тоза жигарранг темир чойнакда қайноқ чой тайёр турарди. Ҳар куни тиқир-тиқир товушдан уйғониб кетардим. Бувим ҳар куни шу чойнакни қумлаб ювардилар. «Уйғондингми, оппоғим. Турақол, чой ичамиз» дердилар бошимни кўтаргонимни кўриб.

Бояги аёлнинг жигарлар ўртасидаги меҳр-оқибат ҳақидаги гаплари эса, дадажонимни эслатди. Дадамлар оилада тўрт ўғил бўлишган. Дадам тўнғич ўғил бўлганлар. Тахтапулдаги эски уйни амакимларга ташлаб, участка қилиб чиққанмиз. У пайтларда газ йўқ. Лойсувоқли, усти фанерсиз бир уйда қишни амаллаб ўтказганмиз. «Ғаланска» печкага ўт ёқардик. Фанер бўлмагани учун исиқни тепага тортиб кетарди. Ойимлар кўрпачаларни икки қават қилиб тикиб, ичига биз-ларни киритиб қўярдилар.

Баҳор келганда ойимнинг дадалари — уста Ҳикмат дадам уйларимизга фанер қилиб чиқадилар. Кейин суворқ, пол... Шу йили Искандар амакимни уйлантирдик. Дадам пастроқ солинган «временка» болалар уйига кўчиб тушиб, келинкуёвга уйни бўшатиб берди-лар. Биз-олти қиз, ота-онам бир уй даҳлизда яшай бошладик. Бир-икки йилдан кейин Искандар амакимларга бизга яқин жойдан кичикроқ ҳовли олиб беришди. Амаким ҳозирги Тошкент Давлат техника университетида дарс берар эдилар. Кейинроқ профессорлар шаҳарчасидан участка олиб кўчиб кетдилар (жойлари жаннатда бўлсин, илоҳим).

Икки йил ўтгач Озод акамкини ҳам бизнинг ҳовлида уйлантиришди. Тўрт фарзандлик бўлгунларича биз билан бирга туришди, кейин эса, Янги ТошМИ томондан ҳовли олиб кўчиб чиқишди. Лекин шунча ишлар бўлиб ўттанда ҳам, ойимнинг «нега мен меҳнат қилган жойга келин тушади? Олти болам билан сиқилиб қолдим» деганлари-ни бирон марта эшитмабман.

Энг қизиғи, мен узатилиб Озод амакимнинг фамилияси бошқа эканлигига аҳамият берибман. Бувим икки ўғил-лик бўлганларида Сулаймон бобомни Самарқандга ишга юборишган. Бувимлар бориб, у ерда тура олмай қайтиб келадилар. Шу-шу улар ажралишади. Бувим бошқа кишига турмушга чиқадилар. Озод ва Қудрат амаким шу кишининг фарзандлари экан. Уларнинг оталари уруш йиллари сил касалидан вафот этиб кетган экан. Дадам амакимларга ота бўлиб улғайтирган, кийинтирган, уйли-жойли қилганлар.

Улар ўртасидаги аҳиллиқ-иноқлик, меҳр-оқибатга ҳамма ҳавас қиларди. Ҳар сафар жигарлар ўртасидаги нохуш гап-сўзларни эшитсам, ота-онамнинг ўша пайтдаги хизматлари кўз олдимдан кино лентасидек ўтаверади.

Дадам — республикамизнинг таниқли журналисти, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Исмоил Сулаймонов-новдан меҳр-у оқибат, эзгулик ҳислари билан бирга «Эл отаси эди», «Шаҳзода ва канизак», «Мен-журналистман», «Сизга айтар сўзим бор» номли китоблари мерос бўлиб қолди.

Инсон бу дунёга меҳмон экан. Умр ҳақида дониш-мандлардан бири «Бир эшикдан кириб, иккинчисидан чиқиб кетяпман» деган экан. Шу қисқа умримизни эса, шундай яшаб ўтайлик-ки, фарзандларимиз, ҳамкасбларимиз, хеш-ақраболаримиз бизларни фақат ва фақат яхши сўзлар билан эслашсин.

Мавлуда СУЛАЙМОНОВА

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 9-СПТУ томонидан Расулова Муайяна Боходировна номига берилган А № 311779 имтиёзли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Футбол атрофида

КИМ АЙБДОР?

Португалия пойтахти шарафини ҳимоя қилиб келадиган Лиссабоннинг «Спортинг» жамоаси ҳақиқий ишқибозларининг компьютерларида уларни «кутилмаган совға» кутиб турарди. Улар севимли клублари сайтига кирмоқчи бўлганларида мониторда ҳадеб «Спортинг»нинг ашаддий рақиби «Бенфика»нинг қизил-оқ саҳифаси пайдо бўлаверган. Улар бу ҳолга чидаб туролмасдан тартибсизликлар қилишни бошлашган. Тўғри-да, рақиб саҳифаси айнан «Бенфика» клуби-ники бўлса, агар бу бошқа клубга тегишли бўлганда ҳам улар бунчалик асабийлашмаган бўлишарди. Лекин рақиб мухлислари учун ҳам ўша кун ғайриоддий ўтди. Сабаби, «Бенфика»нинг сайти умуман экранда кўринмади. Ҳамма бу ишда гранд жамоаларидан бири «Порту»нинг қўли бор деб тахмин қилди. Аммо, айб уларда ҳам бўлмаган. Аниқланишича, ҳар икки клубга хизмат кўрсатаётган правайдерда экан-лиги маълум бўлди. Правайдерда техник носозлик юз берган, камчилик эса эртасигаёқ бартараф этилган. Бундан иккала жамоа мухлислари ўз хурсандчиликларини яширишмади.

МУХЛИСЛАР УЧУНМИ, Ё...

Замонавий футбол кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Яшил майдон юлдузлари ўз фаолиятлари давомида олқишлар, обрў-эътибор оғушида яшашни исташади. Ҳозирги кунда қайси футболчидан «Нима учун футбол ўйнайсиз», деб сўрасангиз, улар бир овоздан «Мухлислар учун» деб жавоб беришлари турган гап. Бироқ, «Болтон» клубининг сенегаллик ҳужумчиси Эл Ҳожи Диуф эса ушбу ноқулай саволга тўғридан-тўғри жавоб бериб қўя қолди. Яъни, у фақат пул ишлаб топиш учун футбол ўйнишини таъкидлаган. «Мен пул учун ўйнайман. Оиламни бирор бир нарсага муҳтож бўлиб қолмаслиги учун пул ишлаб топаман. Ўйнай олмайдиган ҳолатга тушсам, муаббийлик билан шуғулланаман. Мен устозларим Сэм Эллердайс ёки Бруно Метсю сингари абжир мураббий бўлишга интиламан. Ушбу инсонлар мен учун ўрнак оладиган намуналардир. Мен қароримни ўзгартира олмайман. Мен қандай бўлсам шундайлигимча қоламан. Бироқ, мени ҳеч ким тушунишни истамайди», — дейди чин кўнгилдан иқрор бўлиб сенегаллик футболчи.

ОМАД ЁР БЎЛСИН

2005 йил юртимиз футбол мутахассислари ва мухлислари учун энг масъулиятли мавсум бўлади. Чунки, 2006 йил Германияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатига чиқиш учун бўладиган Осиё минтақаси 2-сараш учрашувларида ҳамюртларимиз ҳам тўп суради. Улар «А» гуруҳида Жанубий Корея, Қувайт, Саудия Арабистони ва-килларига қарши майдонга тушади. Тўртала жамоанинг иккитаси тўғридан-тўғри финал йўлланмасини қўлга киритса, учинчи ўрин эгаси «плей-офф» баҳсларига киришади. Улар даставвал «В» гуруҳининг учинчи ўрин соҳиби билан учрашиб, кейин Конмебол (Шимолий Америка) вакилига рақиб бўлади.

9 феврал куни Юрген Геде бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк баҳсини Тошкентда ўтказади. Саудия Арабистони билан бўладиган ўйин ҳар жабҳада футболчиларимизга оғир бўлиши кутилмоқда. Бўлажак ўйинларда ғалабага бўлган интилиш ўзбек футболи учун катта байрам бўлади, яъни Жаҳон чемпионати эшиклари очилади. Тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган воқеага сабаб бўлади. Биз ушбу бўлиб ўтадиган учрашувларда футболчиларимизга омадлар тилаймиз.

Суннатилла ИСЛОМОВ тайёрлади.

ҒАЛАТИ ОДАТЛАР

Исм. Сизга ҳар куни, ҳар қадамда керак у. Исмингизни ким қўйганини, унинг маъносини биласизми? Ўйлаб кўринг.

Халқимизда бир яхши анъана мавжуд. Чақалоқ туғилса, бобоси ёки бувиси, умуман катта ёшдагилар исм қўяди. Бошқа миллат ва элат вакилларида исм қўйиш ҳуқуқи кимнинг қўлида эканлигини биласизми? Билмасангиз-...қайғурманг!

Ҳиндистоннинг айрим туманларида янги туғилган чақалоққа исм қўйишда ғалати бир одатга амал қилинади. Исм қўйиладиган куни ота-оналик бахтига мушарраф бўлган икки бахтиёр инсон баҳслашишига рухсат бор. Ғалати жойи шунда-ки, улар биттадан шам ёқишади ва унинг ёниб тугашини кутишади. Кимнинг шами узоқ ёнса, ўша одам исм қўйиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Янги Зеландиянинг туб аҳолиси эса, ном қўйиш маросимини бошқачароқ қарши олади. Чақалоқ олдида ўзлари сиғинадиган илоҳнинг ҳайкалчасини ушлаб туришади. Гўдакнинг характерига сингиши, келажакда унинг яхши одам бўлишини ният қилишади. Чақалоқ туғилишидан олдинги юз берган воқеалар ҳам бир-бир сананай бошланади. Агар шу пайтда чақалоқ акса уриб юборса, тўғрироғи, қайси сўздан кейин чучкурса, ўша сўз унга исм қилиб қўйилади.

ЖОНСЎЗ тайёрлади.

МАСЛАҲАТХОНА

- ***Овқатга қора мурч қўшиб тановул қилинса, аввало шамоллашдан сақлайди, қолаверса, иштаҳа очади. Қаттиқ совуқда эрталаб ярим чой қошиқ қора мурчни ярим пиёла чойга солиб ичинг. Бу сизни кун бўйи совқотишдан асрайди.***

- ***Сақич чайнаш тишларга, милкка, умуман, оғиз бўшлиғига фойдалидир.Шунингдек, у ошқозон фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.***

- ***Қаттиқ шамоллаган одам ҳаммомда баданига асал суртиб, жиққа терласа, шифо топади.***

- ***Ошқозони безовта қилиб турадиган беморлар эрталаб наҳорга олма еб, ётишдан олдин асал ялаб ухласа, дард чекинади. Даволаниш жараёнида вақтинча қовурилган, ёғли овқатлардан, қази, кабоб ва сут ичишдан тийилиш лозим.Олмани арчганингизда пўчоғини ташлаб юборманг! Уни яхшилаб ювиб, қайнатиб ичинг. Бу арзон ва шифобахш шарбат йўталга, ошқозон дардига даво бўлади.***

Дастурхон кўрки

МЕВАЛИ ТОРТ

Масаллиқ: 125гр. сариёғ, 200гр. шакар уни, 3 та тухум, 1 стакан ун.

Таёрлаш: Тухум сариғи шакар уни билан оқаргунча кўпиртирилиб, 1 стакан ун билан тухум сариғи аралаштирилади ва алоҳида кўпиртирилган тухум оқи солинади. Хамирни ёғланган қолипга солиб духовкага, ўртача оловга 10 минут қўйилади. Кейин устига 1 та лимон ва 0.5 стакан шакар билан аралаштирилган 400-500 гр. гилос, бошқа мевалар солиб, пишгунча яна духовкага қўйилади. Пишган тортнинг устига шакар уни сепилади.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

- Энг катта ер юзидаги бино-минора «CN Tower» Канаданинг машҳур Торонто шаҳрида қад кўтарган. Унинг баландлиги 553,34 метрни ташкил этади. 185-қаватли бино австралиялик архитектор Жон Эндрюс томонидан лойиҳалаштирилган. 130 минг тонналик бетон билан қопланган бинони 1973 йил 12 февралда қуришни бошлаган қурувчилар 1975 йилнинг 2 апрел куни фойдаланишга топширишган.

- Энг катта йўловчи ташувчи кема «Queen Mary 2» дея номланади ва унинг узунлиги 345 метр, эни эса, 41 метрни ташкил этади. Машҳур Титаникдан уч баробар катта кема барча қулайликларга эга бўлиб, 2620 нафар йўловчиларга 1253 та экипаж аъзолари хизмат кўрсатади.

- Энг катта совға франтузлар томонидан америкаликларга ҳадя қилинган таниқли «Озодлик ҳайкали» ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари мустақиллигининг 100 йиллигига аталган ҳайкал 1885 йили Нью-Йоркка олиб келинган. Унинг расман очилиш маросими 1886 йил 28 октябр кунига тўғри келади. Совға баландлиги 46.5 метр ва оғирлиги 225 тонна тош босади.

- Энг кўп сотиб олинадиган китоб сўровнома-сида Гиннеснинг рекорд-лар китоби биринчи ўринга сазовор бўлди. 2004 йилда китобнинг нашри 100 миллион нусхага етди. Бу рекордни яқин йиллар ичида янгилаш қийин бўлишини мутахассислар таъкидлашмоқда. Турли соҳалардаги рекордларнинг янгиланиб, кўпайиб бориши ушбу



китобнинг сони ошишига туртки бўлади.

С.ШОШИЙ тайёрлади.

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 127. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлим —136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Milliy tiklanish — millat kelajagi

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 18 fevral, Juma

4 (310) son

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Куни кеча биз қанчалар ҳаяжон билан сайлов кунларини кутаётган эдик. Бугун у кунлар тарих саҳифаларидан жой олди. Ўзбекистон икки палатали парламент мақомига эришди.

Конституциямиз, республикамизнинг сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёр ва қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда, очиқлик ва сиёсий бағрикенглик шароитида ўтган сайловлар мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан илгари бораётгани-нинг яна бир ёрқин далили бўлди.

Сайловларда қатнашган барча сиёсий партиялар-нинг қонунга мувофиқ равишда бугун парламен-тнинг Қонунчилик палата-сида ўз фракцияларини ташкил этиш учун етарли ўринга эга бўлганлигининг ўзи ҳам уларнинг сайлов-чилар томонидан муносиб эътироф этилганидан да-лолат беради.

Ўзбекистон Республи-каси икки палатали пар-ламенти – Қонунчилик па-латаси ва Сенатнинг би-ринчи қўшма мажлиси якунларида, Республика Президенти И.А.Каримов-нинг дастуриламал аҳами-ятга эга маърузасида баён этилган вазифалар меҳнат жамоалари, ўқув муасса-салари, маҳаллаларда, кўп-лаб бошланғич партия ташкилотларида катта қизиқиш билан ўрганил-моқда.

ЎзМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 66–Жарқўрғон сайлов округидан депутат этиб сайланган Жума Чоршанбиев ва Сенат аъзоси, Термиз Давлат университети иқтисод факультети декани Абдурашид Олтиевлар Қизириқ, Бандихон, Жарқ-ўрғон туманларидаги туман ва вилоят кенгаши депутат-лари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари, ташкилот раҳбарлари ўртасида ўтка-зилган учрашувлар ҳам шу мавзуларга бағишланди. Де-путатлар мамлакат раҳбари маърузасида баён этилган қоида ва хулосаларда қў-йилган вазифаларга батаф-сил тўхталиб, демократик давлат ва фуқаролик жами-

Сиёсий ҳаёт

ятини шакллантириш йўли-дан оғишмай бориш, бозор ислоҳотларини чуқурлаш-тиришга босқичма- босқич ўтишда партия ташкилотлари халқ билан ҳамиша бирга-ликда иш олиб бориши ке-раклиги ҳақида маъруза қилдилар.

Учрашувлар давомида нотиқлар иштирокчилар то-монидан берилган бир қанча муаммоли саволларга жавоб беришди. Кўтарилган маса-лалар партиямиз ўз олдига қўйган мақсадларга мувофиқ эканлиги билан аҳамиятли-дир.

* * *

Сайловолди учрашувла-рида кўпинча номзодлар депутатликка сайланиб олингач, сайловчиларни «унутиб қўяди», уларнинг ҳолидан хабар олмайди, му-аммолари билан қизиқмай-ди, каби эътирозлар билди-рилганди. Бу галги сайлов-лар илгариги сайловлардан буткул фарқ қилганидек, халқнинг ишончига сазовор бўлган депутатлар ҳам ил-гариги депутатлардек эмас. Тошкент шаҳридаги **11–Тў-қимачи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган Миллий тикла-ниш демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши аъзоси Олимжон Ўсаров** ўз иш режасига мувофиқ пойтахтимизнинг Яккасарой ва Юнусобод тумани сай-ловчилари ҳузурида бўлди. Президентимиз Ислом Ка-римов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажли-сидаги маърузасида бизнинг бош мақсадимиз — жами-ятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модер-низация ва ислоҳ этишдир, деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, мамлакатимиз сиёсий ҳаё-тида икки палатали парла-ментнинг фаолият юритиши барчамизнинг олдимизга янги талаблар қўяди, янгича ишлашга даъват этади. О.Ўсаров юртбошимиз маърузаси ЎзМТДП аъзо-лари учун ҳам келгусида да-стуриламал бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Маҳалла оқсоқоллари билан ўзаро маслаҳатлашиб, биргаликда тузилган иш ре-жасига асосан эса сайлов-чилар билан мунтазам уч-рашувлар ўтказишга кели-шиб олинди.

Эътиборли томони шундаки, учрашувлар бе-восита маҳаллаларнинг ўзида ташкил қилинади, фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволлар би-лан мурожаат қиладилар ва қонунчилик юзасидан таклифларини билдиради-лар.

Шунингдек, мазкур ту-манларда ЎзМТДП 2005 йил иш режасидан ўрин олган кўпгина тадбирларни ўт-казиб боришга ҳам кели-шиб олинди.

* * *

103–Шовот сайлов ок-ругидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланган Умид Исмоилов Шовот туманидаги Чўхли фуқа-ролар йиғинида, Қўшкўпир туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида сайловчилар ҳузурида бўлди. У Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва сенати йиғилишидан, Пре-зидентимиз Ислом Кари-мовнинг маърузасидан ол-ган таассуротлари билан ўртоқлашди.Жамиятимизни демократлаштириш, мам-лакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модерниза-ция ва ислоҳ этиш бўйича олдимизда турган асосий вазифалар ҳақида гапирди. Маҳалла аҳли ва дала меҳ-наткашларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Энг қувончлиси, фуқа-ролар бардам ва тетик кайфият билан ўз кучига ва эртанги кунига ишонч ру-ҳида депутатлар билан му-лоқотда бўлишмоқда.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛДИ

Фуқаролик жамия-тини ўрганиш инсти-тутида АҚШнинг Ха-лқаро республика инс-титути ва Республи-камиздаги сиёсий партиялар билан ҳам-корликда «Ўзбекис-тоннинг икки палатали парламенти» мавзуида се-минар–тренинг ўтказил-ди. Семинар–тренингда «Миллий тикланиш» партиясининг етакчилари, «Ёшлар қаноти» вакилла-ри иштирок этишди.

Семинар сиёсий парти-ялар вакиллари ўртасида баҳс–мунозараларга сабаб бўлди. Чунки, бугунги си-ёсий ислоҳотлар сиёсий партиялардан жамиятда ўз ўрнига, ўз мавқеига эга бўлишни талаб этади.

Баҳс–мунозараларга тўла бўлган семинар–тренинг сиёсий партия-лар учун сайловдан кей-инги илк учрашув бўлди.

Ўз мухбиримиз.

БУНЁДКОРЛАР

Улар оддий касблари–ю, ҳалол меҳнатлари билан фахрланадилар



Дунёда касблар кўп. Аммо қўли гул қурувчи-ларнинг меҳнатини бошқа касб эгаларининг иши билан тенглаштириб бўлмайди. Бир ўйлаб кў-ринг, агар чеварнинг андозасига архитектор-нинг чизмасини қиёсласак, кийимни бичиш бир одамдангина уқув талаб қилади. Бирор иншо-отни қуриб–битказишда эса, ўнлаб, юзлаб ки-шиларнинг қунт билан ишлаши зарур бўлади. Бинога биринчи ғиштни қўйгунча бўлган жа-раённинг ўзи ҳам аниқ, пухта режа билан иш олиб боришни тақозо этади, аслида. Иш бош-ланган кундан то пардозлаш ишлари бажари-либ, янги иншоот фойдаланишга топширил-гунга қадар яна анчагина пешона тери тўки-лади.

Бунёдкорларнинг иши доимо эл назарида, улар қурган бинолар халқ фаровонлиги гарови. Шун-дай экан, нега улар ҳақида ёзмайлик?! Ахир бу касб эгаларининг ҳар бир қадами биз учун қим-матли.Фақат биз бу ҳақда ҳар доим ҳам ўй-лайвермаймиз. Тўғрироғи, ўйлашга вақт топ-маймиз.

Юртимиз кундан–кунга чирой очиб бормоқ-да. Бунда, албатта, қурувчиларнинг ҳиссаси катта. Остона ҳатлаб, уйдан кўчага чиқсан-гиз, сершовқин ҳаёт сизни ўз қучоғига олади. Йўл–йўлакай чор атрофга қарайсиз. Ўзгариш-лар кўп. Янгиликларни кўриб, кўзингиз қувнай-ди. «Шу ишни ўзимизнинг қурувчилар бажа-ришдими?» дейсиз беихтиёр ҳайратингиз ошиб.

Ҳа, мустақиллик қурилишлари билан юзма–юз келганда ҳайратланмай иложингиз йўқ! Бири ик-кинчисига ўхшамайди, ойнаванд, кўп қаватли, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган қулайликларга эга.Бугун қад ростлаётган имо-ратларни бундан ўн йиллар олдинги бинолар би-лан солиштириб кўринг, бунёдкорларимиз дои-мий изланишда, яратмоқ ишқи билан яшаёт-ганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эмас-ми?

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейдилар. Суратларга бир қаранг–а, бун-ёдкорларнинг нигоҳи теран, кулгуси самимий. Улар доимгидек қизғин иш устида. Ҳар бир янги кун-ни бошқача кутиб олади, ўз ишига катта эъти-бор ва масъулият билан қарайди улар. Беихти-ёр уларга ҳавасингиз келади. Уларнинг ҳаёти қизиқ,мўъжизаларга бой. Ҳар бир янги иншоот-нинг очилиш маросими уларга берган қувонч-нинг ўрнини бошқа ҳеч бир шодлик боса олмаса керак.Бу – бизнинг таассуротларимиз. Бу ҳақда уларнинг ўзи нима дейди?

Ишни пухта билганнинг сўзи қисқа бўлади. Ях-шиси, муҳим иш билан банд қурувчиларга ҳала-қит бермайлик–да, атрофни кузатайлик.

Дунёда давлатлар кўп. Бироқ ҳамма учун ҳам ўзи туғилиб–ўсган диёрдан азизи йўқ. Она Ва-танимизнинг камолоти учун қайгураётган , юртимиз тараққиёти йўлида куйиб–ёниб яша-ётган кишиларнинг меҳнати таҳсинга лойиқ.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ТОМОШАБИН МАДАНИЯТИГА ҚАЧОН ЭРИШАМИЗ?

ёхуд театр даргоҳида ўзбекона одоб етишмаётганлиги хусусида

Театр. Қадим Юнонис-тонда туғилган, замонлар оша шаклланиб, бугун ўзи пайдо бўлган даврдан мут-лақо фарқланиб турувчи, сайқалланган санъат мас-кани. Ижтимоий, моддий, маънавий муаммоларни қамраб олган асар воқеа-лари томошабин кўзи ол-дида жонли ривожланади. Унинг қалбини ларзага со-лади, тўлқинлантиради. Бир сўз билан айтганда театр-ижод қайнаган, эзгулик нафаси ҳукм сурган му-қаддас маскан.

Биз театр ҳақида кўп гапирамиз. Томошабин ўзбек театридан узоқлаш-ган вақтда биз театрни кўп танқид қилдик. У ҳақда ҳар ким турли фикрлар бил-дирди. Театрга баъзан асосли, баъзан асоссиз айбловлар юкладик. Шу сабабми, ёки аниқроғи те-атр ижодкорларининг ти-нимсиз меҳнатлари ту-файли бугун театр жамоатчиликда юқори ўринга чиқди. Бир қанча яхши спектакллар яратилди. Томошабин театрга қайтди. Бу қувонарли, албатта.

Маълумки, яхши асар, маҳоратли режиссёр, истеъ-додли актёр меҳнати билан спектакл буюк бўлиб қол-майди. Унинг буюклигини томошабиннинг спектаклга берган баҳоси ҳал қилади. Спектаклни томошабин буюк қилади. Бироқ бугунги кун томошабинининг сави-яси қандай? Санъат дарго-ҳида ўзини тутиш, спектакль кўриш маданиятини била-дими?

Афсуски, республикамиз театрларининг ҳеч қайсисида спектакль эълонда кўрса-тилган вақтда бошланмайди. Баъзан ярим соатлаб кутиб қолишга тўғри келади. Театр жамоасидан бу ҳолатга изоҳ сўралса, улар «томошабин йиғилсин» деб жавоб бери-шади. Аслида спектакль то-мошабинни эмас, томоша-бин спектаклни кутиши ке-рак эмасми?! Бу ўринда жамоанинг изоҳини ҳам тўғри тушуниш мумкин. Баъзи томошабинлар спек-таклнинг ярмида келиб, саҳ-надаги актёрларнинг фикр-ларини бўладилар, шунинг учун ҳам улар томошабинни кутишга мажбур.

Кўпгина хорижий давлат театрларида томошабинлар спектакль бошанадиган вақтдан аввалроқ келиб, те-атр фойесида тўпланадилар. Театр биносида алоҳида эр-каклар ва аёллар хонаси мавжуд бўлиб, иш кийимида ташриф буюрган томоша-бинлар шу хоналарга кириб, байрам либосларини кийиб чиқадилар ва байрамона кайфиятда томоша залига кириб борадилар. Бу олиф-тагарчиликдан эмас, балки театрга, муқаддас саҳнага бўлган юксак ҳурматлари рамзи. Бу билан хорижлик-ларга тақлидни тарғиб қилиш фикридан йироқман. Халқ-имиз қадимдан санъатга ўз-гача бир меҳр ва ҳурматда бўлган. Бугун биз, томоша-бинлар ўз миллийлигимизни сақлаган ҳолда театрга, саҳ-нага, спектаклга ўзбекона одоб билан муносабатда бўлсак, санъатга азалий ҳурматимизнинг давомий-лигининг исботини кўрсат-ган бўлардик.

Бундан ташқари, спек-такль жараёнида актёр ёки актриса томонидан чиройли ёхуд кулгили гап гапирилса, томошабин қарсак чалади. Албатта, бу билан томо-шабин актёрга миннатдор-чилигини, олқишини бил-дирмоқчи бўлади. Бу борада томошабинни айблаб бўл-майди, аммо бу қарсаклар бутун вужуди, борлиғи би-лан асар ичида яшаётган ак-тёрни чалғитиб қўяди. Тао-милга кўра спектакль туга-ганидан кейин парда ёпи-лаётган вақтдан бошлаб, то-мошабин қарсаклари янграй бошлайди. Парда очилиб, спектаклда роль ўйнаган ак-тёрлар чиқиб, томошабинга таъзим қиладилар. Асар буюк ва томошабин қалби-дан жой олган бўлса, томо-шабинлар ўрниларидан ту-риб қарсак чаладилар. Қар-саклар остида парда ёпила-ди. Агар томошабинларнинг қарсаклари тинмаса, парда яна очилади ва актёрлар яна томошабинларга таъзимга чиқадилар. Секин–аста парда ёпилади...қарсаклар бора–бора тиниб, томоша-бинлар театрни тарк этади-лар.Буларнинг бари томо-шабиннинг актёр маҳоратига, меҳнатига берилган юксак баҳоси ва ҳурматини анг-латади. Бироқ бугунги кунда спектакль тугаганидан кей-ин актёрлар таъзим қилиб улгурмасиданоқ томоша за-лида томошабинларнинг ярми ҳам қолмайди. Бу ҳолат фа-қат театрларда эмас, балки концерт залларида ҳам ку-затилади. Бу каби муаммо-лар юрагингда оғриқ уйғо-тади.

Аҳир, саънат даргоҳи бозор эмаску?

Бугунги кунда ҳукумати-миз томонидан театр санъ-атига жуда катта эътибор бериляпти. Президентимиз фармонларига биноан бунёд этилган муҳташам Ўзбек Миллий театри биноси бунга яққол мисол бўла олади. Шу билан бирга «Ўзбек театр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди. Кўпгина театр фестивал-лари ташкил этиляпти. Ўзбек миллий спектакл-лари жаҳон саҳналарида ижро этилиб, хорижлик театр санъати ихлосманд-ларининг эътирофларига сазовор бўлиб келмоқда.

Шундай экан, бу буюк даргоҳга лойиқ бўлиш учун ҳам томошабин мадания-тини ўрганишимиз лозим. Тўғри, маданиятли томо-шабинлар ҳам бор, албатта. Лекин тан олишимиз ке-ракки, кўп томошабинлар бу каби одоб ва мадани-ятдан йироқ. Истардикки, театрга томошабинлар вақт ўтказиш учун эмас, чин маънодаги санъатдан ҳузур, маънавий озуқа олиш учун ташриф бу-юрсин.

Саодат КАЛОНОВА
Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институти талабаси.

КЕЛИННИНГ СЕПИДА КИТОБ

«Миллий тикланиш» газетасининг ўтган сонида бе-рилган биология фанлари доктори Любовь Қўчқорова ҳамда биология фанлари номзоди, доцент Жаҳонгир Сид-диқовларнинг «Бобур Мирзонинг илм гулзори» номли мақоласи биз муштарийларда катта таассурот қолдирди. Шу кунгача Бобур Мирзонинг ғазаллари ва давлат ишлари ҳақида кўплаб мақолалар, роман ва ҳи-коялар, видеофильмлар яратилган бўлса, ушбу мақолада «Бобурнома» асарида келтирилган, биз учун янгилик бўл-ган табиат ҳақидаги ўринли ва қимматли фикрлар айтиб ўтилган.

Акс-садо

Япон аёллари болаларини турли соҳаларга қизиқтириш учун ҳар ойда камида 40 та ки-тоб сотиб олишар экан. Бизда–чи? Бир йил-да битта китоб олмайдиганлар қанча?

Шунингдек, ушбу мақолада ўртага ташланган бир так-лиф ҳам бизга жуда маъқул бўлди. Буни қаранки, Гру-зия давлатининг урф–одатлари ичида биз учун ибрат олса арзийдиган удумлар ҳам мавжуд экан. Грузияда бўлажак келинлар ўз сепларида халқи учун муқаддас саналган Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари бўлиши бугунги кунда бизнинг ёшла-римиз ўрганса арзийдиган урф эмасми? Ҳар бир ке-линнинг сепида «Қуръон Карим» билан бирга бобомиз Алишер Навоийнинг шоҳ асари «Хамса» ёки Бобур Мир-зонинг «Бобурнома» асари бўлса қандай соз бўларди. Албатта, бундай одатлар ўша оиланинг маънавий пойде-ворини мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Сўзим охи-рида мақола муаллифлари ва бундай мақолалар билан муштарийлар кўнглини обод этаётган газета жамоасига ҳам ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

Мухиддин АБДУСАМАД, Жиззах вилояти

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

ЭЗГУЛИКНИНГ БОШИНИ ТУТГАНЛАР

Бугун Паркентда иқтисодни юксалтириш, туманни янада ободонлаштириш, халқнинг фаровонлигини ошириш, айниқса, 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили» деб номланиши ва бундан кўзланган эзгу мақсадларни рўёбга чиқишига катта эътибор бериляпти. Марказий шифохоналардан тортиб, қишлоқ врачлик пунктлари ҳам элу юрт тинчлиги ва соғ-саломатлиги олий неъмат эканлигини чин дилдан ҳис этиб фаолият олиб бормоқда. Буни биргина Хисорак қишлоқ врачлик пункти мисолида кўриш мумкин.

Халқимизнинг «Соғлик-туман бойлик» деган нақли бежиз айтилмаган. Агар бирон жойи оғриса, кишининг кўзига ҳеч нарса кўринмай қолади. Туғишган опа-сингилу, ака-укалар ҳам шифокорчалик жонига оро киролмайди.

Шифокорлик савобли, шарафли, масъулиятли касбдир. Хисорак врачлик пунктидагилар шундай эзгу касбнинг масъулиятини ҳис қилиб фаолият юритаётганлар десак тўғри бўлади.

Ушбу тиббиёт маркази Вазирлар Маҳкамасининг 2107-сонли Қарорига мувофиқ 1998 йилда, Паркентда биринчилардан бўлиб ўз фаолиятини бошлаган. Ҳозирда Йўлдошбек Ёдгоров бошчилик қилаётган жамоада беш нафар врач, 40 нафардан ортиқ ҳамшира, тез тиббий ёрдам ходимлари ишлаяпти. Медицина пункти асосан Хисорак, Кумушкон, Қуёш қўрғонида истиқомат қилувчи 11035 нафар фуқароларга ва шу ҳудудларда жойлашган 12, 13, 29-ўрта мактаб ўқувчилари ҳамда «Қуёш» болалар боғчасига хизмат кўрсатади.

Медицина пунктида 4 ўринли кундузги стационар, физиотерапия, функционал диагностика, эмлаш, муолажа хоналари мавжуд бўлиб, беморларга барча муолажалар шу ернинг ўзида врачлар назорати ва ҳамширалар кўмагида олиб борилади. Беморлар терапевт Замира Облоқулова, стоматолог Нодира Рустамова, гинеколог Гулнора Асилбекова ҳамда умумий амалиёт врачи Аҳмаджон Ашуровлардан миннатдор. Уларнинг жонкуярлиги, касбига садоқатини, сидқидилдан тиббий хизмат кўрсатишларини алоҳида баҳолашади. Ҳамширалардан эса, акушерка Элиза Эргашева, лаборант Элмира Ҳайтбоева, эмлаш ҳамшираси Севара Шоназарова, муолажа ҳамшираси Ифода Ғойибназарова, медицина пункти катта ҳамшираси Насиба Рустамова, тез тиббий ёрдам бўлими фельдшерлари Жўра Турсунбоев, Миролим Миржалиловларнинг фаолияти барчага ўрнак, десак муболаға бўлмайди. Суҳбат чоғида врачлик пункти бош шифокори бугунги кунда соғлиқни сақлашга берилаётган юксак эътибордан мамнун кайфиятда тиббиётдаги янгиликлар, яъни кўп этапли йўналишдан икки этапли хизмат кўрсатишга ўтиш ҳар-хил сарсон-саргардонликсиз беморга ташхис қўйиб, даволанишга йўлланма бериш ёки оилавий соғлиқни сақлашни назорат қилиш, яъни умумий амалиётнинг йўлга қўйилиши яхши самара бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили» дастуридан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ врачлик пункти фаолияти янада кенгайиши, соғлом она ва соғлом бола, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигига, оналар ва болалар ўлимини олдини олишга, кекса ва қаровчиси йўқ кексаларга медицина ёрдами кўрсатишни янада такомиллаштираётганликлари ҳақида батафсил тўхталди.

Хисорак врачлик пунктида элу юрт соғлиги йўлида фаолият олиб бораётган бир гуруҳ шифокорлар чин маънода эзгуликнинг бошини тутган инсонлардир. Юртимизда ана шундай оппоқ либослари сингари оққўнгилли инсонлар кўпайсин ва уларнинг халқ фаровонлиги йўлидаги улкан меҳнатларига зафарлар ёр бўлсин деймиз.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА.

Мулоҳаза бекати

МЕН АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТ

Қўлимда оппоқ қоғоз. Унга нималарнидир ёзмоқчиман. Нималарни ёзишим мен билан қоғознинг эмас, қалам билан дилини ёзмаса хотиржам бўлолмайдиган кўнглимнинг ихтиёрида. Мана шу қоғоз пистачи холанинг қўлига тушса, навбатдаги харидорга писта ўраб бериши турган гап. Баъзан китобларнинг варогини йиртиб буюм ўрашга, тандирга ўтқич қилишга ёки бошқа мақсадларда ишлатишга журъат қилаётганларни кўриб қоласиз. Ўзингиз ҳам шундай қиларсиз, балки.Тўғри-да, ҳеч ким ўқимайдиган, даврга атаб ёзилган китоблар ўтқичдан бошқа нимага ярайди, деб ўзингизни оқлашингиз мумкин. Демак, қоғознинг қадрини унга ёзилган сўзнинг салмоғи белгилар экан. Мен фақат бир нарсага, Абдулла Қодирийнинг асарлари ҳар қачон, ақли расо одамнинг қўлида бўлса, қадр топишига аминман. Яхши китоб ҳеч қачон эскирмайди.

«Ўткан кунлар»ни ўқимаган ўзбек бўлмаса керак. Тўғри, ҳозир ёшлар орасида китобхонлик даражаси жуда паст. Кўпчилик асарнинг ўзини ўқишдан аввал шу асар асосида яратилган кинофильмни кўриб қўйгани учунми, «китобини ўқимасам ҳам бўлаверади» деб ўйлайди. Бироқ китоб қуёш бўлса, асар асосида ишланган фильм у тарата
ётган нурнинг бир парчаси, денгиздан қатра, холос. Ишонмасангиз, «Ўткан кунлар»ни бир ўқиб кўринг, аввал ўқиган бўлсангиз, яна қайта ўқинг, ўқийверинг... Ўшанда мен англаган ҳақиқатни сиз ҳам англаб етасиз. Яхши китоб ҳеч қачон эскирмайди, ўлмас асар муаллифи мутолаа давомида ёнингизда туради, сиз билан суҳбатлашади.

Абдулла Қодирийнинг кимлигини билмоқчи бўлсангиз, унинг асарларини севиб ўқишингизнинг ўзи кифоя қилмайди, ёзилмаган, сўзлар соясида яширинган сирларни идрок қилиш ҳам керак.

Қодирийнинг танқидий, публицистик руҳда ёзилган асарларида эса, замон ва замондошларнинг иллатлари очиқ-ойдин ифодаланган. Адибнинг ўғли, таниқли қаламкаш ва шифокор Ҳабибулла Қодирий қаламига мансуб «Отам ҳақида» номли китоб мутолаасидан кейин ёзувчи Абдулла Қодирий ҳаёти ва асарларининг яратилиши, тақдири ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим.

«Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан» ҳажвий қиссасида ёки «Тошпўлат тажанг нима дейди» ҳажвияларидаги ҳамма воқеалар реал ҳаётдан олинган. Шунинг учун Калвак маҳзум, Тошпўлат тажанглар тўғри танқиддан ранжиган ва ўз вақтида сири фош бўлиб, халқ орасида кулгуга қолгани, бошқа шаҳарга кўчиб кетишга мажбур бўлгани ҳам маълум. «1968 йилнинг қиши эди, «Тошпўлат...» ҳангомасига доир қизиқ бир учрашув бўлган...» деб хотираларини ёзади Ҳабибулла Қодирий. Унинг ёзишича, Ҳабибулла ака Тошкентдаги 10-шаҳар касалхонасида навбатчиликда эканлар. Етмиш-етмиш беш ёшли, юзлари чечак изли, тилла тишли, озғин, бўйдор бир бемор «Отангиз бир вақт газетада мени роса боплаганларда... 1924-25 йилларда мен молияда налогбоши-инспектор бўлиб ишлаганман... Шунда отангиз:»Халққа ноҳақ солиқ солдинг!» деб «Тошпўлат тажанг...» да мени танқид қилган эдилар. Ўшанда ўзимиз ҳам «давр келди» деб, қулочни кенг ёзиб юборган эдик-да... Жазоку тортмадим. Аммо танқиддан кейин Тошкентдан кўчиб кетишга, узоқ йиллар бошқа шаҳарда яшашга тўғри келди. Негаки, халқ ўртасида кулгига қолиб бир оз иснод орттирдик-да...» дейди.

Абдулла Қодирийнинг ўзи таржимаи ҳолида шундай ёзади: «Мени бойлар, эшонлар кўра олмас эдилар. Чунки мен уларни ишчи тилидан чаққан ва сирларини очувчи душманлари эдим». Ҳа, фельетонлар қироли Жулқунбойнинг душманлари кўп эди. Муҳаммад Юсуфнинг «Қора қуёш» достонини ўқиганмисиз? Унда шундай сатрлар бор:

Мана,
Қодирийни қилишар сўроқ:
—«Ўтган кун» деган шеър сизникими?
—Ҳа.
Аммо у шеър эмас...
—Жим бўлинг, ахир.
Шеърми ё бошқами, автори сиз-да.
Тамом.
Бошқа гапга қолмайди ҳожат.
терговчи-пайғамбар,
Терговчи-худо.
Темир зотдан келган буйруқ-ижозат,
Ўзбек яна битта ўғлидан жудо.

Шу тариқа адибнинг умрига якун ясалган. Халқнинг асл фарзандлари, зиёли, истеъдодлилари айбсиз айбдор бўлиб қолган. Ўқувчилик йилларимда «Шарқ юлдузи» журналида қатағон қурбонларини сўроқ қилиш вақтида ёзилган тарихий ҳужжатларни беришгани, ўқиганим, йиғлаганим ёдимда.

«Ўткан кунлар» билан эгизак «Меҳробдан чаён»нинг ўзи бир дунё. Синчиклаб ўқисангиз, Қодирийнинг шу икки романида ҳам ошиқлар ҳаё билан сўзлашишади. Қизларимиз Кумушдан, Раънодан кўп нарсаларни ўргансалар арзийди, фақат Зайнабнинг йўлини тутиб ожизлик қилишмаса бўлгани. Назаримда, Зайнаб ҳам ижобий қаҳрамон. Негадир Зайнабни қоралолмайман, гўё у ошиғу, севги армони. Балки, у Кумушнинг қотили дерсиз. Йўқ, у ҳам қисматнинг қули, қурбони. Мен асар қаҳрамонларини яхши-ю, ёмонга ажратмоқчи эмасман, экранларга маҳлиё, муҳаббатни кинолар, телесериаллардаги ошиғу маъшуқлар орасидаги муносабатларга тенглаштириб қўяётган, енгил-елпи дил изҳоридан иборат сўзлар асосида куйланаётган қўшиқларга жўр бўлаётган йигит-қизларимизнинг фикру хаёлида китоб ўқиш истаги йўқлигидан хавотирдаман. Эҳтимол, нима қилиш ҳар кимнинг ўз истаги, дерсиз. Тўғрику-я, лекин Қодирийнинг қаҳрамонлари билан таниш бўлмасангиз, ҳар қанча бо-ю, бадавлат бўлманг, маънавий камбағаллигингизча қолиб кетаверасиз.

Ўй ёмон, бир ўй мени қийнайверади, Қодирий ва унинг тақдирдошларининг асарларини қўлдан қўймай ўқиёляпмизми? Ахир улар эскирмайдиган китоблар. Ёшларимиз нималарга қизиқяпти, бўш вақтини қандай ўтказяпти?! Ўзингиз-чи, ўзингиз нима қиляпсиз? Бир пайтлар «Ўткан кунлар»ни ҳам яшириб ўқишга мажбур бўлишган экан. Ҳозир бундай давр эмас-ку!

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА

ЎН ТЎРТИНЧИ ФЕВРАЛ...

КИРИШ

Феврал-яхши ой. Қиш бўйи рутубатдан толиққан кўнгилларга баҳор нафасини яқинлаштиради, ҳарқалай, қишдан кейин баҳор борлигини, кўклам келишини англатиб туради. Бугина эмас, феврал ойи миллатини ҳурмат қиладиган ҳар бир ўзбекка ўзининг кимлигини эслатиб турадиган ой. 9 феврал-бобомиз Низомиддин Алишер Навоийнинг, 14 феврал-Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунлари. Бир устозимиз айтганидек, бу кунлар ижодкорлар, қалам соҳиблари учун юрагини тўкадиган кунлар. Ўзбек миллатининг чин маънодаги миллий байрамлари. Миллий байрамлар. Гўзал сифатлаш. Миллий-ўз-ўзингники, томирингда оқаётган қондек, жисмингдаги жондек азиз дегани, менимча. Катта тантаналар билан нишонланадиган бу байрамларнинг асоси, сабаблари мавжуд. Халқимизнинг юрак-юрагига бу байрамлар сингиб кетган, ундан сабаб ҳам ахтариб ўтиришмайди, улар учун шу байрамлар ўзлариники эканлиги билан азиз. 1 сентябр-Ўзбекистон истиқлолга эришган кун, 21 март-Наврўз, Шарқ халқлари ҳисобига кўра Янги йил, ҳайит айёмлари, буюк аждодларимизнинг таваллуд кунлари, қадимий шаҳарларимизнинг тўйлари-буларнинг бари ўзбек халқи учун азиз байрамлар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Кириш сўзимиз чўзилиб кетмадимикан? Муддаога ўтадиган бўлсак, биз шу кунгача 14 феврални буюк шоҳ ва шоир, моҳир саркарда, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд куни сифатида билардик ва нишонлардик. Ҳозир ҳам шундай...ми? Худога шукур, ҳозир ҳам шундай лекин... бир «лекин»и бор...

14 февралга яна бир таъриф борки, феврал ойи киргандан бошлаб FM радиоканалларини диққат билан тингласангиз, кўчалардаги афишаларга эътибор билан қарасангиз, энг осон йўли ўзингизни гулликка солиб қўл ушлашиб, бир-бирининг пинжига кириб кетай-кириб кетай деб турган жуфтликдан гарчи ноқулай бўлса-да «кечирасиз, бугун қандай кун?» деб сўрасангиз билиб оласиз. Тўғри, бунинг учун Маъшуқанинг «замондан орқада қолганмисиз?» деганга яқинроқ маъноларни берадиган нигоҳига дучор бўласиз лекин шунга яраша саволингизга жавоб оласиз. «Отойининг туғилган йили»даги талаба қиз Машрабнинг оти нега Машраблигини билганидан мағрурланиб жавоб берганидек, Маъшуқа ҳам билимдонлигини намойиш қилганча, ял-ял яшнаб жавоб беради:

—Севишганлар куни!

Жавобни олдингиз. Ошиқ-маъшуқнинг «муҳим ишларига» ҳалақит берманг. Энди индамай йўлингизга кетинг. Ҳайрон бўляпсизми? «Ахир бугун Мирзо Бобурнинг туғилган куни» дейсизми? Отангизга раҳмат. Асли биз ҳам шу ҳақда гапирмоқчийдик.

Авлиё Валентин куни. Бу-бизнинг ёшлар севишганлар куни дея таъриф бераётганлари — 14 февралдаги «байрам»нинг тўлиқ номи. Юқорида айтилгандек ҳар бир байрамнинг нишонланиш сабаби бўлади. Байрамларимизга сабаб ахтариш шарт эмас, деб ўтгандик, миллий бўлганидан кейин ўзимизнинг байрам-да. Лекин Авлиё Валентин куни бундан мустасно. Озгина фикри бор одам номиданоқ англайди бу-бизга, ўзбек халқига тегишли байрам эмаслигини.

СЕВИШГАНЛАР КУНИ МАНЗАРАЛАРИ

14 феврал. Шу куни кўчалар жуфтликлар билан гавжум. Кечга яқин кўринг «севишганларни». Айниқса, Сайилгоҳ кўчасида... Қўл ушлашиб кетаётган ким, бир-бирига совға тутқизаётган ким. Концертларга навбат кутаётган киму, кафе, дискотекаларга қўлтиқлашганча ошиқаётганлар ким. Ора-орада бировнинг қизига гап отиб қўйиб «ширин» гап эшитаётганлар ҳам кўп. Хуллас, бу издиҳомда ит эгасини мушук бекасини танимайди. Хилват жойларнику қўйинг, очиқ, ёруғ жойлар ҳам севишганларнинг «эркин ҳаракат»лари билан тўла. Уларга қарашга уялманг, бошингизни адл тутинг. Ахир бугун-Севишганлар куни. Ҳай-ҳай, шундай кунда ёлғиз юриш ёмонда-а? Буям майли, Мирзо Бобурни «жинниларча» яхши кўрадиган, севишганлар куни ҳақида гап кетса энсаси қотадиган севгилингизнинг ёнингизда йўқлиги сабабини атрофингиздаги «бахтиёр жуфтликлар» билиб қолмаса бўлгани.

13 феврал. Дугонам Нигоранинг деганлари. «Феруза қарз сўраб келди. Эртага, Севишганлар кунига «йигити»га совға олмоқчи экан. Оддийроқ совға бўлмасмиш. Жаҳлим чиқди. «Пулим йўқ» дедим. «Нима сотиб олсам экан?» деганди, тилим ўлгур ёмон-да, «ўтган йилгисига нима совға қилгандинг?» деб юборибман. Мендан аразлаб қолди. Тўғриси, пулим бор эди. Лекин бемаъни бир байрамни деб... Битта Ферузамас, ҳар йили шуни деб қанча талаба сарсон. Қийналган бошқалар, менга нима дегим келади-ю... ачинасан-да одам. Севишганлар куни деса эсимга Фармонбибининг гаплари тушади. Хўрозқанд чет элники десанг, ётволиб ялашади. Очиғини айтсам, тушунган одамга бу байрам на ўзбекчиликка, на динимизга тўғри келиши шундоқ аён бўлиб туради. Куюнаверсам дугоналарим ақл беришади «сен фақат ёмон томондан қарайверма, яхши кун бу» деб. Кўчада ҳар куни ҳам дуч келадиганимиз лекин айнан шу кунга келиб авж олиб кетадиган жуфтликларнинг беҳаё қилиқлари-чи? Буларга ҳам яхши кўз билан қараш керакми? Шу кунни байрам қилаётган ўзбек ёшлари, тенгдошларимиз шунча бемаъни ишларнинг ўрнига «Бобурнома»ни бир дилдан ўқиб чиқишса, бу кунга Бобурнинг таваллуд куни деб қарашни ўрганишармиди...»

15 феврал. «Байрам»нинг эртаси. Сайилгоҳ кўчаси... Йигит ва қиз суратга тушишяпти (кеча байрамдан кеч қолишган бўлса керак). Сураткаш уларни бир-бирига ёпиштиролмай овора. «Сиз яқинроқ туринг, худди бегоналарга ўхшайсизлар-а? Аканинг қўлларини ушланг, қўлларини.» Бу чорловлардан кейин қиз билан йигит қўл ушлашиб суратга тушишди. Сураткашнинг бояги гапларига қўшимчаси қулоққа чалинади. «Борakansизу. Ахир байрам кунлари бўлса, севишганлар куни, Севишганлар кунида эса, Лайли-Мажнунларга (сирли кўз қисиб қўяди) ҳамма нарса мумкин.»

Ҳар йили 14 феврал келаверса, хавотирим ошади. «Севишганлар куни»нинг тарғиботчилари газеталар эканлиги хунобингни оширади. Радиоларга-ку, Худо беради-айрим жумла тузишни билмайдиган радиобошловчилар «байрам билан барча севишганларни чин дилларидан қутлайвериб», уларга бири боғдан, бири тоғдан келган тилаклар билдираверib қулоқ-миянгни еб қўйишади. Афишаларни ўқисанг... воҳ-воҳ, «Севишганлар куни муносабати билан барча севишганларни таклиф этамиз.» Концерт номи «Севгим абадий». Қатнашчиларини ўқиб энсанг қотади. Биронтасининг севги ҳақида, умуман, маънолироқ қўшиғи йўқ. Барининг қўшиқлари раҳматли Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ботир Зокировларни гўрида тик турғизадиган чинқириқлардан иборат. Қани эди, шу куни мамлакатимизнинг муҳташам санъат саройларида Навоий, Бобур, Фузулий, Огаҳий, Нодирабегим ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар юртимизнинг асл ҳофизлари, санъат усталари ижросида янграб...

Асли дилдан севганлар учун ҳар бир кун, нафақат ҳар бир кун, ёр билан ўтган ҳар лаҳзаси муқаддас эмасми? Севги кўз-кўз қилинадиган туйғуми? Кейинги йилнинг 14 февралигача севишганларнинг қанча қисмининг «севги»си «омон» етиб бораркин? Газеталардан бирида «бу кун муҳаббат изҳор қилинадиган кун» деб ёзади бир талаба. Қизиқ, ҳамма учун муҳаббатини изҳор қиладиган айнан бир кун ҳам бўлар экан-да! Унда буни муҳаббат дейишнинг нима ҳожати бор?

«Авлиё Валентин куни»га атаб саҳифа тайёрлаган газеталар Мирзо Бобурнинг дилбар асарларига , бу зот ҳақида ёзилган рисолаларга қанча ўрин ажратишган? Бу «байрам» билан барча севишганларга тинмай табриклар йўллаётган FM радиоканаллари орқали улуғ шоир ғазаллари билан айтиладиган қайси қўшиқлар эшиттирилиб борилди экан? Ҳай-й, Бобур бобо, менга нима, ҳали севги нималигини билмаган йигит-қизлар севишмоқдан ортиқ севишсин. Менга алам қиладигани, Сизнинг таваллуд кунингизга ўзбек ёшларининг «Авлиё Валентин куни»ни эш қилишаётгани. Мен эса... бу кунни бутун бир ўзбек миллати Сизнинг таваллуд кунингиз дея эъзозлашини истардим...

ХУЛОСА

Эрамизнинг III асрида Рим императори Клавдий қонун чиқариб, ўз армияси мустаҳкамлигини сақлаш мақсадида аскарларга оила қуриш ва фарзанд кўришни таъқиқлаб қўяди. Ёш руҳоний Валентин эса, севиб қолган аскарлар билан уларнинг маъшуқаларига яширинча никоҳ ўқиб юраверади. Бу ҳолдан хабар топган император Валентинни ўлимга ҳукм қилади. Турма бошлиқларидан бирининг қизини севиб қолган Валентин қатлдан бир кун олдин севгилисига мактуб йўллайди ва мактубга «Сенинг Валентининг» дея имзо қўяди...

«Авлиё Валентин куни» тарихи ҳақидаги афсоналардан бири.

* * *

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шахси, саркардалик фаолияти, шоирлик истеъдоди, инсоний камолоти эътироф этилган сўзлар борки, бу сўзларни айтган инсонлар дилдан ва холис баҳо берадилар бу зотга ва улар фақат мақтов учун айтилмаган. Мирзо Бобурнинг ўзига, атрофидаги инсонларга, воқеликларга берган энг холис баҳоларига «Бобурнома»ни ўқигач гувоҳ бўлиш мумкин.

Мен юқоридаги сўзлар билан дунёнинг бошқа халқлари нишонлаётган байрамни қоралаётганим йўқ. Бутун дунё нишонлаётган бўлса, уларнинг 14 февралда бошқа байрамлари йўқдир, балки. Аммо ўзбекнинг ўз байрами бор. Чин ўзбек учун 14 феврал-Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд куни! Юракдан севган, муҳаббатини ёмон кўзлардан асраб-авайлаб, дийдор соғинчларида яшаётган севги соҳиблари учун эса, ҳар кун севги кунидир.

ЗУМРАД ВАҲОБОВА.

ЯШАШГА ВАҚТ ЙЎҚ

ёки энг аччиқ баҳона (талаба мактубидан)

«Миллий тикланиш» почтасидан

Бугун яна Сизни эсладим. Чунки, яна юрагим оғриди (Қизиқ, ҳар доим шу—Сизни фақат кўнглим йиғлаганда эслайман).

Буни қаранг, ўзим учун ўзим яшайдиган пайт ҳам келиб қолибди. Аммо шуни ҳам эплолмаяпман. Яшашни билмаяпман. Аниқроғи, бунга вақт етмаяпти. О, ВАҚТ! У менинг асосий рақибим. Қанча курашмадим—а, у билан!

Гапларим жуда кўп қийинчиликларни кўрган одамникига ўхшаб кетмаяптими? Мен ҳали ҳеч қанча яшаганим йўқ (Ўзи яшадиммикан?).Аммо оз бўлса—да, ҳаётни тушундим. Оқ—қорани танидим. Ўзимча ҳақиқатлар тўқидим. Бу ҳақиқатларим Ҳаққа етиб боришига умид қилдим...

Биламан, Сиз менга ишонасиз. Назарингизда, мен яшаяпман. Кошкийди, шундай бўлса! Талабалик менга кўп нарсани ўргатди. Чинакам ҳаёт дарсидан сабоқ берди. Хор бўлдим, зор бўлдим. Тушундимки, ҳаёт мен ўйлагандек эмас экан. Ўзимча «афоризм» ҳам ёзиб қўйибман: «Ҳаёт гўзал, фақат буни ҳис қила билиш керак». Лекин ҳис қилиш учун ҳам яшаш керак—ку! Мен эса...

Йўқ, ҳаётдан ҳечам нолимайман. Айбим шуки, мен ҳаётга кўниколмаяпман. Тўғриси, буни истамайман ҳам.

Эсингиздами, Сиз фақат еб—ичиш, роҳат—фароғат ҳақида ўйлайдиган кишиларни учратганда: «Бунинг куни ўтса бўлди» деб қўярдингиз. Илгари бу сўзларни унча яхши тушунмас эдим. Мана, энди мен ҳам ўшаларга ўхшаб қолдим. Куним ўтса бўлди...

Қорним тўқ бўлса, моддий жиҳатдан қийналмасам, дейман. Ва бунинг учун тинмай ҳаракат қиляпман. Шу яшашми? Ўйлашимча, яшаш кўпроқ руҳнинг, кўнгилнинг «манфаат»лари учун бўлиши керак. Вужуд у қадар муҳим эмас. У руҳ ва кўнгилнинг олий истаклари учун хизмат қилиши керак.

Одамларга кўмак бериш, меҳр кўрсатиш ҳам яшашдир. Мен (аниқроғи, биз) эса, ўзгалар ғамига бепарвоман. Қўшним билан ишим йўқ. Ҳатто баъзан Сизни ҳам унутиб қўяман...

Менимча, яшаш—ўзликни англаш учун берилган қисқа (ҳа, жудаям қисқа) бир фурсат. Мен кимман? Бу саволга жавоб топиш учун ҳам яшаш керак...

Баъзан, ташвишлардан холи бўламан. Ўшанда яна яшаш ҳақида ўйлайман. Бир лаҳза бўлса ҳам яшай олдиммикан?! Кимман ўзи?..

Тириклик қўйида югуришим керак. Хатимни ҳам тугаллай олмадим. Тушунасиз—ку, вақт йўқ, Онажон, вақт йўқ!

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

Ойбек таваллудининг 100 йиллигига

АДИБ ҲУЗУРИДА ЎН ТЎҚҚИЗ ДАҚИҚА

1964 йилнинг охирги қор-қировли кунларидан бири – янглишмасам, 29 ёки 30 декабрь. Устоз Ғулом Каримов ва Субутой Долимовлар таклифи, Зарифа опанинг розилигига кўра Ойбекни янги йил ҳамда қутлуғ 60 ёшга тўлиши билан олдиндан табриклаш ниятида, улуғ адиб хонадонига ташриф буюрадиган бўлдик. Университетда бирга ишлайдиган Ойбекнинг тўнғич келини Ҳулкар орқали бу ният адиб хонадонига етказилганида Ойбек ҳам, Зарифа опа ҳам уни мамнуният билан қарши олганликларини эшитиб, бошимиз кўкка етгандай бўлди. Ташриф соат 3 га белгиланди. Зарифа опа зарур жамоат ишлари билан банд бўлганликлари туфайли ўша пайтда уйда бўла олмасликлари учун узр сўраб, бизни кутиб олишни катта ўғли Омонбек билан Ҳулкарга топширибдилар, фақат эски қадрдонлар гапга, ҳасби ҳол изҳорига тушиб кетиб Ойбекни толиқтириб қўймасинлар, дея ҳазил қилибдилар. Ҳулкар буни ётиғи билан Ғулом акага айтди. Андиша ва ички маданият бобида тенгсиз аллома Ғулом ака «Ўзим ҳам шундай фикрдаман, Ойбек ака ҳузурида 15 минутдан ортиқ ўтирмаймиз» дедилар.

Зарифа опанинг бу учрашувдан бир оз «хавотир» олиши бежиз эмас. Ғулом Каримов, Субутой Долимовлар Ойбек билан Зарифа опанинг болалик, ўсмирлик қадрдонлари; Субутой ака Ойбек билан «Намуна» мактабида бирга ўқиган, мамлакат янги тур мактаби тарихида илк деворий газета «Тонг юлдузи»ни бирга чиқаришган, «Намуна» Навоий номли интернат мактабига, сўнг Тошкентдаги энг нуфузли Наримонов номидаги таълим-тарбия техникумига айлантирилгач, Ойбек ҳамда Зарифа опалар билан биргаликда шу масканда ўқишни давом эттирган. Кейинроқ Ғулом Каримов ҳам айни шу техникумда таълим олган. Уларнинг шахсий- ижодий ҳамкорлиги бир умр давом этди. Бунинг устига болалик қадрдонлари Ғулом ака билан Субутой акалар ишлаган Миллий университет ҳам Ойбек учун ниҳоятда қадрдон эди. Бўлғуси адиб шу масканда ўқиб, олий таълим дипломини олган, 1935 йилга қадар университетда дарс берган. Унинг азиз фарзандларди – қизи Гулранг, кенжа ўғли Суюнбек шу даргоҳда ўқиди; Гулранг шарқшунос олима, фан номзоди бўлиб етишди, шарқ фанокультетида иш бошлади, ҳозирги кунда Шарқшунослик институтида фаолиятини давом эттираётир. Суюнбек кимё факультетида таълим олиб, сўнг шу ерда фан номзоди, доктори даражаларига эришди, вафотига қадар шу ерда ишлади. Адибнинг тўнғич ўғли Омонбек МГУни битириб қайтгач, умрининг охиригача тарих факультетида, умр йўлдоши Ҳулкар эса филология факультетини тамомлаб, шу даргоҳда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, то нафақага чиққунча шу ерда фаолият олиб борди. Улкан биолог олим академик Бекжон ўқишни шу даргоҳда бошлаб, сўнг МГУда давом эттирди, уни тугатгач, университетимизда фаолиятини бошлаган, номзодлик, докторлик илмий даражаларини эгаллаган, узоқ йиллар биофизика кафедрасини бошқарган, ҳозирги кунда ҳам университет билан ҳамкорлигини узган эмас...

Учрашув кутилганидан ҳам зиёда, ғоят самимий бир тарзда бошланди. Ўша дақиқаларга қадар мен Ойбекни кўча-кўйларда, адабий анжуманмаросимларда кўп бор кўрганман. 1955 йили университетда адибнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган адабий учрашувда талабалар номидан табрик сўзи айтаётганимда бу авлиёсифат алломанинг менга тикилиб турган нурли чеҳрасига, ёниб турган кўзларига нигоҳим тушиб, умримда ҳеч бўлмаган ажиб ҳолатга тушганим, ўзимни йўқотиб қўйганим ҳамон эсимда...

Бу галгиси ўзгача: Миллий адабиётимизнинг Ойбекдек тирик классигини унинг ўз хонадонида болалик қадрдонлари, устозлар даврасида кўриш ҳаётимдаги энг азиз, ғоят бахтли дамлардан деб биламан. Ғулом ака, аввало, бизларни Ойбек билан таништирди, сўнг ҳаммамиз, қолаверса университет жамоаси номидан уни кириб келаётган янги йил, қутлуғ 60 ёши билан қутлади. Ойбек ўзида йўқ шод, қўли кўксида хиёл бош эгиб ташриф ва қутлов учун миннатдорчилик билдирди. Ўша топда адибнинг косасига сиғмай турган сеҳрли кўзларида чексиз қувонч ва қандайдир ўкинч ёшлари қалқиди; адиб даврадагиларга буни сездирмаслик учун кафтлари билан дам-бадам кўз ёшларини артар эди.

Ойбекнинг нигоҳи бирдан Субутой акага тушди. Ҳаяжон билан гапга киришди. Бир оз тутилиб, қийналиб айтган гапларидаги «Субут, Субутой, Усмон-бек, «Намуна», «Тонг юлдузи», дутор, ушшоқ» деган жумлалардан гап нима устида бораётганлиги ўтирганларга маълум эди. Субутой ака эса одоб билан секингина бош силтаб, такрор-такрор ҳам қувонч, ҳам ҳазин бир оҳангда «Эҳ, Ойбек ака, у кунлар ўтди-кетди» деб қўяр эдилар.

Ўша топда Субутой ака бизга кўп бор сўзлаб берган Ойбек билан боғлиқ хотиралари хаёлимдан ўта бошлади. Домланинг айтишларича, асл исми шарифлари Усмонбек Долимов бўлган, аввал мактабда, сўнг техникумда ўқиб юрган кезлари «Усмонбек» тахаллуси билан шеър, ҳикоялар битган, илк бор истеъдодли ёш шоир Ойбекнинг назарига тушган, Ойбек таклифи билан «Тонг юлдузи» газетаси ҳайъатига жалб этилган, шу тариқа уларнинг шахсий қадрдонлиги, ижодий ҳамкорлиги бошланган. Усмонбекнинг «Субутой» тахаллусини олиш тарихи ҳам қизиқ. Гап шундаки, бу ҳол узоқ вақт сир сақланиб келди. Ўша кезлари техникум мудири Шоҳид Эсон афанди ва у билан бирга Туркиядан келган Иброҳим афанди маърифатли зиёлилардан бўлган. Эсон афанди асли мантиқ фанидан дарс берса-да, тарих, адабиётга ниҳоятда қизиққан, жаҳон ва туркий халқлар тарихи, адабиётидан чуқур хабардор бўлган, айниқса, ёш истеъдод эгаларига айрича аҳамият берган, уларни миллий ифтихор, жасур ватанпарварлик руҳида тарбиялашга интилган, жанговор шарқия – марш шеърларни ёд олдирган, айни пайтда Яҳё Камол, Ризо Тавфиқ, Абдулҳақ Ҳамид, Ҳолид Фахрий, Ўрхон Сайфий, Номиқ Камол, Зиё Кўкалп каби янги турк шеърияти намоёндалари ижоди билан таништирган, улар асарларини мустақил мутолаа қилишни маслаҳат берган. Бугина эмас, истеъдодли ёшларга қадим туркий шавкатли сиймолар номларини, чунончи, Мусо Тошмуҳаммад ўғлига «Ойбек», Усмонбек Долимовга «Субутой», Зуҳуриддин Салоҳиддиновга «Олтой» исмларини адабий тахаллус сифатида тавсия этган, улар ҳам ўз навбатида бу табаррук исмларни мамнуният билан қабул қилганлар. Усмонбекка ҳаётда илк бор «Субут», «Субутой» деб мурожаат этган, деворий газетадаги шеърини «Субутой» тахаллуси билан чиқарган айни ўша болалик дўсти – Ойбек бўлган... Домла шу ҳақда сўзлар экан, ҳар гал «Бу гапларни ҳеч кимга айта кўрма, «нозик жой» одамларининг қулоғига бориб етса, айтган мен ҳам, эшитган сен ҳам балога қоламиз, пантуркчилар думи деб авахтага жўнатишлари ҳеч гап эмас» дея огоҳлантирар эдилар.

Домлада болаликдан шеърий истеъдод билан баробар бир ҳофизга лойиқ ширали овоз, бир моҳир созандага муносиб созандалик иқтидори ҳам бўлган. Ўзи дутор жўрлигида куйлаган мақом наволари билан Мулла Тўйчи ҳофиздек буюк санъаткор, В.А.Успенский каби санъатшунослар эътиборини қозонган. Ойбек дўсти Субутойдан дутор машқлари, хусусан, дутор жўрлигида ушшоқ тинглашни ниҳоятда хуш кўрган. Мактабдош дўсти Мурод Шамснинг Чақардаги боғ ҳовлисида, ҳовуз бўйидаги сўлим супада ушшоқнинг энг авжида – ўнинчи парадан бошлаб завқ-шавқ билан тўлиб-тошиб айтганини, Ойбек куйдан чексиз яйраб маст бўлганини кўп бор эслар эдилар. «Умрим бўйи мен куйлаган ушшоқ авжининг чўққиси ўша бўлди, бундан кейин бу пардага ҳеч қачон кўтарила олган эмасман. Сизлар тинглаётган ушшоқни аранг тўртинчи пардадан бошладим» дея илова қилиб қўяр эдилар.

Ўша ушшоқ янграган боғ, ҳовуз, ҳовуз бўйидаги машҳур супа 50-йилларда ҳам сўлим ва обод эди. Таниқли тилшунос олим Мурод Шамснинг ўғли Эркин билан университетда бирга ўқирдик. Эркин таклифи билан улар хонадонига бориб турардик. Ёз кунлари борганимизда, домла бизларни хуш

қабул қилиб, ҳовуз бўйига таклиф этар, «Бу табаррук жой, бу супада Ойбек, Субутойлар базми жамшид қуришган, мана шу ҳовузда мириқиб чўмилишган, сизлар ҳам уларга ўхшаб яйраб ўтиринглар», дея бизларни ёлғиз қолдирарди.

Субутой ака фақат мумтоз куйлар ижрочисигина бўлиб қолмай, замонавий шоирлар, жумладан, Чўлпон, Ойбекларнинг янгича йўналишдаги шеърларига куйлар басталаган, уларни ўзи жўшиб куйлаган. Улардан эсда қолган айрим намуналарни улфатчилик давраларимизда куйлаб берардилар.

Субутой ака ҳаётда асосан педагог-мураббийлик, адабиётшунослик йўлидан кетган бўлса-да, бир умр мақом ва шеърият шайдоси, аломат созанда, хонанда, қалбан эса шоир бўлиб қолди. Субутой аканинг илк шеърияти билан танишиб «Домла, нега шеъриятни давом эттирмадингиз, шеърларингизни китоб ҳолида чиқармадингиз?» деб сўраганимда, «Менинг машқларим Ойбек лирикаси қаршисида ожиз эканини сездим, Ойбек олдида шоирликка даъво қилишга уялдим» дея жавоб қилган эдилар.

Аслида шеърий истеъдод бобида Субутой ака кўпгина тенгдош-замондошларидан қолишмас эдилар. Ойбек вафоти муносабати билан 1968 йилнинг саратонида битилган устознинг мана бу сатрларини тинглаб кўринг-а:

Ойдин кеча сокин ётган
қабрингни
Зиёрат қилай деб кўргали
келдим.
Ҳижронли турбатинг ҳокига
мен ҳам
Ҳасрат-ла юзимни сургали
келдим.
Кеча «Туйғулар» ла «Кўнгил
найлари»н
Дарду алам билан чалгали келдим.
Чаман гуллар билан тўлган
қабрингдан
Кўз ёшларим билан ўпгали
келдим.
Хаёлим паришон, кўзларим гирён,
Қалбимда сақланур аламли
ҳижрон,
Фарёдим, фиғоним бутун бир
жаҳон,
Эй муҳтарам шоир, изладим,
келдим...

Бунақа оловли, дардли сатрларни фақат садоқатли дўст-шоиргина битиши мумкин...

Ойбек бир мунча фурсат Субутой ака билан дийдорлашгач, Ғулом Каримовга юзландилар, соғлиқларини, ишларини суриштирдилар, сўнг кечмиш хотираларини, яқин ўтмишнинг маломатли кунларини ёдга олдилар. «Дарслик... жаҳолат, жаҳолат... даҳшат...» деган сўзларини эшитиб бу гал ҳам гап нима устида кетаётганлигини англаб турардик.

Ғулом Каримов Навоий ижоди, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги адабий муҳит устида тадқиқот олиб борган кезлари академик Ойбекдан кўп бор маслаҳатлар олган; Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг директори вазифасида ишлаган кезлари ўзбек адабиётидан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда адиб билан ҳамкорлик қилган, чунончи, 1950 йили чоп этилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигининг Ғулом Каримов қаламига мансуб «XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида ўзбек адабиёти» сарлавҳали бўлимини Ойбек таҳрир қилган эди. 1952 йил 21-22 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон компартияси марказий қўмитасининг «Республикада мафкура ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги масалага бағишланган машъум X пленумида қатор атоқли ижодий зиёлилар, илмий, бадиий асарлар, ўқув дарсликлари, қўлланмалари кескин танқидга учради. «Ўзбекистоннинг янги тарихи»да таъкидланганидек, бу пленум мустабид тузум 40-йиллар охири – 50-йиллар бошларида республикада ижодий ва илмий муассасалардаги «миллатчилар», «пантуркчилар», космополитларни «фош қилиш», Ўзбекистон ёзувчилари, шоирлари, олимларини бадном қилиш юзасидан кенг суръатда ўтказган сиёсий кампаниянинг чўққиси бўлди (Ўзбекистоннинг янги тарихи, Иккинчи китоб. Т., Шарқ, 2000, 513-бет). Ғ.Каримов бошчилигида яратилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги ҳам ана шу кампаниянинг қаҳрига учради, феодал ўтмиш адабиётини идеаллаштириш, миллатчилик кайфиятларига йўл қўйишда айбланди. Бундай кескин айбловларнинг бир учи, табиийки, дарслик муҳаррири Ойбекка ҳам бориб тақалар эди. Пленумда Ойбекдай буюк аллома «жиддий мафкуравий айниш»ликда бадном этилди. Орадан кўп ўтмай дарслик бош муаллифи Ғ.Каримов институт директорлиги, дарсликни нашрга тайёрлаган С.Долимов сектор мудирлиги вазифасидан бўшатилди...

Фалокатнинг шарофати деганларидек, ҳар икки устоз ҳам Миллий университетимиздан паноҳ топдилар, шахсан Ойбекнинг аралашуви, илтимоси билан университетнинг ўша йиллардаги олийжаноб раҳбарияти, Т.Зоҳидов, О.Содиқов, Т.Саримсоқов каби академиклар бу табаррук зотларнинг бошини силади. Ҳар икки устоз бу даргоҳда Ойбек ишончини тўла оқлади, 50-йилларнинг ўрталаридан умрларининг то охирига қадар шу қутлуғ даргоҳда фидокорона хизмат қилдилар. Устоз Ғ.Каримов ўн йиллар давомида «Ўзбек адабиёти тарихи» кафедрасини бошқарди, ўзбек адабиёти тарихининг бутун бир даврини илмий инкишоф этиб берди, Миллий университетимизни республика ва жаҳон адабий-илмий жамоатчилиги тан олган илмий-адабий марказлардан бирига айланишида бу зотнинг хизматлари беқиёсдир. Ойбек Ғ.Каримовнинг бу йўлдаги саъйи-ҳаракатларини ҳамиша қадрлаган, жумладан, Муқимий ва унинг адабий муҳити мавзуидаги докторлик диссертациясига ёзган тақризида устознинг илмий ихтиросини ниҳоятда юксак баҳолаган эди...

Ғулом ака ўша топда адиб кўнгилдан кечган изтиробларни юмшатиш ниятида бўлса керак «Ойбек ака, илоҳо, ўша даҳшатли кунлар ўтмиш бўлиб қолган бўлсин, асло қайтмасин. Ўз бошингизда шунчалар ташвиш бўла туриб, ўша кунлари Субутой ака билан менинг жонимизга оро кирганингиз учун бир умр сиздан қарздормиз...» дедилар. Ойбекнинг чеҳраси бирдан ёришиб кетди, «Ҳаммаси яхши, яхши бўлди... Энди у кунлар қайтмайди» деди қатъий қилиб.

Ғулом ака аввал соатларига, сўнг ҳамроҳларига бир қур кўз югуртириб «Энди қўзғалсак бўлар» дегандек ишора қилдилар. Ҳаммамиз секингина бош силтаб бу таклифни маъқулладик. Сўнг у киши мезбондан кетишга ижозат сўрадилар. Мезбон эса «Субут, Субутой, ош-палов, дутор, ушшоқ» сўзларини такрор-такрор айтдилар. Бодан бери Ойбек ёнида унинг тутилиб, қийналиб айтган жумлаларини шарҳлаб ўтирган Омонбек «Адам, ўтиринглар, ош-паловхўрлик қилайлик, Субутойдан дутор, ушшоқ эшитайлик деяптилар» деди. Ғулом ака эса бундай самимий таклиф учун Ойбекка ташаккур билдириб, унга таскин бериш ниятида сўзини давом эттирди: «Баҳор, ёз келсин, боғ ҳовлингизга бориб мириқиб гурунглашамиз, ошхўрлик қиламиз, Субутой акадан дутордa куйлар, дутор жўрлигида ушшоқ эшитамиз...»

Ойбекнинг болалик дўстларидан асло айрилгиси келмаётгани шундоқ кўриниб турарди. Адиб чор-ночор меҳмонлар билан бирма-бир қўл олишиб хайрлашди. Табаррук хонадон остосидан чиқаётганимизда соатга қарасам, 3 дан 19 минут ўтибди. Ойбек ҳузуридаги 19 дақиқалик гурунгда буюк адиб ва унинг болалик қадрдонлари умрининг қирқ беш йиллик ҳам қувончу сурурга, ҳам ташвишу армонларга тўла лавҳалари кўз олдимизда қайта гавдаланган дай бўлди.

* * *

Орадан қирқ йил ўтиб, адиб ҳузуридаги ўша 19 дақиқалик учрашув тафсилотларини эслар эканман, биз адабиётшунос-мунаққидлар, миллий университет профессор-ўқитувчилари бу табаррук зот олдидаги бурчимизни ўтай олдикми, деган ўй хаёлимдан кечди. Сарҳисоб қилинадиган бўлса, кўнгилга таскин берадиган хайрли ишлар адо этилганлигига иқрор бўласан киши.

Аввало, улуғ адиб сув ичган шу қутлуғ даргоҳда таълим олган М. Қўшжонов, Н.Каримовлар ойбекшунослигининг чинакам тамал тошини қўйдилар. М.Қўшжоновнинг «Ойбек маҳорати» номли фундаментал асари шу ерда интиҳосига етди. Ёш истеъдодли мунаққид У.Ҳамдам бир вақтлар Ойбекнинг танқидчиликда менсимай қаралган, салбий баҳоланган «соф лирика»си, «кўнгил шеърияти»нинг асл моҳияти, беназир нафосатини очиб берувчи гўзал бир тадқиқот яратди. Устоз О.Шарафиддинов Ойбек туғилган куннинг 100 йиллиги арафасида «Миллатни уйғотган адиб» сарлавҳали ёниқ бир мақола ёзиб, Ойбек даҳосига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этди.

Биламизки, Ойбекнинг янги ўзбек адабиётининг икки забардаст намоёндаси, асосчилари – Чўлпон билан Қодирийга эҳтироми ниҳоятда баланд бўлган, ижодда улар йўлидан борган. Жоҳил танқид Чўлпон шеърияти мафкуравий жиҳатдан зарарли дея рад этиб, улуғ шоирга ташланиб турган бир пайтда, қатъий туриб уни ҳимоя этган, «Чўлпоннинг мафкураси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқулади, воз кечилмайди» деб ёзган. Машъум 37-йил арафасида Қодирийни бадном этиш энг олий нуқтасига кўтарилган бир пайтда адиб «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» деган рисола ёзиб, улкан ёзувчининг беназир маҳорати, санъати ҳақида сўзлашга журъат этган.

Дорилфунунимизда кейинги ярим аср мобайнида Ойбекнинг ана шу савоб иши изчиллик билан давом эттирилди. О.Шарафиддинов таъқибу таҳдидларга қарамай 60-80-йиллар давомида Чўлпон лирикасининг оташин ҳимоячиси ва тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди, ошкоралик ва мустақиллик йилларида унинг ташаббуси ва таҳрири остида Чўлпоннинг аввал бир жилдлик, сўнг уч жилдлик асарлари нашрга тайёрланди. «Адабиёт надур» деган Чўлпон мақолалари ҳамда Чўлпон ҳақидаги замондошлари хотираларидан иборат китоб чоп этилди. Чўлпон ижоди тадқиқига оид илк докторлик, номзодлик диссертациялари шу даргоҳда амалга оширилди... Қодирий ҳақидаги илк номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган А.Алиев шу даргоҳ муаллими эди. «Меҳробдан чаён» поэтикаси», «Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари» мавзуидаги номзодлик диссертациялари, «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати», «Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси», «Қодирий боғи», «Ўткан кунлар» ҳайрати», «Қодирий қадри» каби китоблар, ниҳоят Б.Каримовнинг қодирийшунослик тарихига бағишланган докторлик диссертацияси мана шу даргоҳда яратилди...

Яна бир қувончли ҳодиса – Ойбек таълим олган, таълим берган даргоҳнинг кейинги ижодкор авлод – фарзандлари Одил Ёқубов, П.Қодировлар устоз адибнинг тарихий романчиликдаги ноёб тажрибаларини давом эттириб, янги босқичга олиб чиқдилар. «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли тунлар» худди «Навоий» романи каби жаҳоншумул обрў-шуҳрат қозонди. Ойбекнинг жаҳон модерн шеъриятига ҳамоҳанг дилбар лирикаси тажрибаларини Рауф Парфи, Хуршид Даврон, Усмон Азим каби ёрқин истеъдодлар айнан университетимиз аудиторияларида ўтириб битган сатрларида ижодий давом эттирдилар, хусусан, Рауф Парфи Ойбек асос солган модерн шеъриятни юксакларга кўтарди; қолаверса, Ойбекона нафис оҳанглар, ғаройиб сеҳрли рамзлар билан йўғрилган «Ойбек хотираси» шеъри орқали буюк устоз шоирга беназир поэтик ҳайкал қўйди.

Мана, ўша шеър:

Тоғлар аро бир ойдин булоқ.
Атрофида шивирлар ўтлоқ.
Булоқда шаън ва собит чирой.
Нур йўлидек ўйлари йироқ
Сувда мангуликдек сузар ой...

Бироқ, ҳайҳот, бир қуюн
келди...
Ойдин булоқ қайга беркинди?!
Қайдадир шаън ва собит
чирой?
Фалакларга қарайман энди.
Фалакларда сузиб юрар ой...

Аминманки, бу қутлуғ даргоҳда таълим олган, меҳнат қилиш насиб этган ҳар бир зиёли, мураббий, ижодкор, олим ўзини Ойбекдек руҳи мангу барҳаёт устознинг шогирди, анъаналарининг давомчиси санайди; мана шундай мартабага муяссар бўлгани учун Яратганга шукроналар айтади.

Умарали НОРМАТОВ

ОЙБЕК ДОМЛА ҲИКМАТЛАРИ

Дунёда китоб ўқимоқдан, тафаккурдан, шеър айтмоқдан ўзга завқбахш машғулот йўқдир. Табиатим кўпроқ бу томонга мойил эди.

Ижод дарди – қалбнинг қаърида уйғониб, бутун вужудни ларзага солган оғриқ. Навоий учун энг ширин лаззат, она алласи каби ҳаёт ва қувонч бағишловчи бир куч эди.

Шернинг бўйни занжирга итоат қилса ҳам, юраги асло бўйсунмас, афсуски, бу оддий ҳақиқатни идрок этмайдилар.

Ёмонлардан яхшилик кутмоқ ҳайвон шохидан гул унмагини орзу қилмоқ билан баробардир!

Мен ҳар қандай жабр тоғини кўтармоққа ҳозирмен, лекин ичи қора зотлар яхши билсинларки, мен қаерда бўлмайин ҳақиқатни қўриқлармен.

Ҳаётнинг нашъу намоси адолат нурига боғлиқ бўлганидек, инсоннинг камолот даражаси ҳам адолат билан ўлчанур. Ҳар бир ҳаракатда мувозанат ва меъёр зарур.

Валижон ШАМСИЕВ:

«ЛАТИФА МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ»

Ўзининг ичакузди латифалари–ю, актёрлик маҳорати билан доимо халқимизни хушнуд қилиб, дилидан жой олиб келаётган қизиқчи Валижон Шамсиев бугунги саҳифамиз меҳмони.

–Келинг, ортга бир назар ташлайлик, саҳнага чиққанингизга ҳам мана бир неча йиллар бўлибди. Сиз бу соҳада нималарга эришдингизу нималарни йўқотдингиз? Эришган ютуқ ва камчиликларингиз ҳақида нималар дея оласиз?

–Мана, саҳнага чиқиб, эл хизматига бел боғлаганимга ҳам қарийб ўн йил бўлибди. Аввало, менинг қўлимдан тутиб, бу соҳага етаклаган устозим Мирзабек Холмедовдан жуда миннатдорман. Гоҳида кўча–кўйда одамларнинг «Сизларни телевизорда кўрсак, кўнглимиз тоғдек кўтарилади» деган гапларини эшитиб қоламиз. Бундай сўзлар кишига илҳом бағишлаши тайин. Бу орада «Келди–ю кетди» киностудиясини ташкил этдик. Бир неча кинофильмлар олишга ҳам улгурдик. «Остона» фильмида аскар ролини ижро этиш ҳам мен учун катта шараф бўлди, десам муболаға бўлмайди. Билмадим, бу ишлар қанчалик муваффақиятли ёки муваффақиятсиз, баҳосини халқнинг ўзи беради. Хуллас, ҳали ўз фаолиятимдан кўнглим тўлганича йўқ.

– Ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис бўлмайди. Баъзан саҳнага чиқиш олдидан кайфиятингиз бўлмай қолган пайтларда қандай йўл тутасиз?

– Албатта, саҳна ортидаги жараён саҳнага ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бундай вазиятларда ўзимнинг бир шеъримни такрор–такрор ўқийман:

Дунё ишларидан йиғламайман мен,
Ҳар бир тош устидан юриб ўтаман.
Минг чираниб йиғлатишга уринсалар ҳам,
Дунё ишларидан кулиб ўтаман.

Яна бу вазиятлардан чиқиб кетиш актёрнинг босиб ўтган маҳорат йўлига ҳам боғлиқ.

– Юриш – туришингиз доимо мухлисларингизни қизиқтириб келган, масалан, ҳар доим шляпада юрасиз. Бунинг сабаби нимада?

– Кийинишим ҳақида гапирадиган бўлсам, доим бош кийимда юришни хуш кўраман. Шляпада юриш мени имиджим ҳам эмас. Ҳозир дўппи кийиб олсам сиз дарров «тинчликми?» деб сўрагандирсиз.

– Бир неча йилдирки, «Мирзо» театрида устозингиз билан фаолият кўрсатиб келасиз. Ўзингиз алоҳида чиқишлар қилиш ниятингиз ҳам борми?

– Ҳозирда «Халқлар дўстлиги» саройида апрел ойининг бошларида бўлиб ўтадиган концертимга тайёргарлик кўряпман. Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси устозлар маслаҳатига суянган ҳолда олиб бориляпти. Дастур эса... ҳозирча сир бўла қолсин.

–Сиз спорт билан ҳам шуғулланасиз. Актёрлик фаолиятингизда спортнинг ўрни қай даражада?

– Спорт билан болаликдан шуғуллана бошлаганман. Ўшанда бир жиддий воқеа бунга сабаб бўлганди. Мунтазам равишда каратэ, акробатика билан шуғулланаман. Менимча, актёр учун бу муҳим. «Тақдир зарбаси» фильмидаги саҳналарда каратэ билан шуғулланганлигим менга роса асқотган. Ушбу кинодан ўзимни ҳам бироз кўнглим тўлган. Келажакда яна шундай ролларга таклиф қилишса бажонидил ўйнар эдим.

– Таниқли бўлишни эл ичида фойда–зиёни қандай?

–Шу ўринда бир латифа айтиб бераман. Афанди бир карвон билан кетаётганда, қароқчилар ҳужум қилиб қолишибди. Карвонбоши арава остига беркиниб «ишқилиб мени таниб қолишмасин–да» деб турса, Афанди «мени танишмаса–я» деб ташвишланган экан. Яна устозимиз Мирзабек Холмедовнинг бир гапи бор «таниқли бўлишни фойдаси шуки, борди–ю, бирор нарса харид қилсанг, ўн сўмлик нарсани сенга ўн беш сўмга ўтказишади» (кулади).

– Бугунги кунда қизиқчилик йўлини тутган ҳамкасбларингиз ҳақида нималар дея оласиз?

– Ҳозирда элга танилган қизиқчиларни бармоқ билан санаб кўринг–а, ҳатто бармоғингиз ҳам тўлмайди. Мен бу касбни жуда машаққатли деб биламан. Дунёда нима осон, қизиқчини танқид қилиш. Кейин бир жойда бир латифа билан одамларни кулдирдингми, тамом, у сўзинг дарров эскиради, яна бошқасини топиш керак бўлади. Мен ҳамиша ҳамкасбларимга яхши муносабатдаман, уларни ҳурмат қиламан. Сафимиз қанча кўпайса, мен шунча хурсанд бўламан. Одамларга қувонч бағишлашдек шарафли касб эгаларига доимо омад тилайман. Шу ўринда бир шеъримни ўқиб берсам:

Нечун одамлар кулмоқ истарлар,
Наҳотки шунчалар кулгили ҳаёт.

Қалбинг яросига пинак бузмаслар,
Кулишар гар дилдан сўрасанг нажот.
Дардли сўзлар айтиб йиғласанг агар
Қалбинг йиғлаганда кулдир дегани
Найза санчган–дайин юракка тегар.

– Оилада бир–бир отанинг ўрни бошқача бўлади. Айниқса, хизмат сафарлари пайтида болалар тарбияси билан шуғуллана олмаётганингиз–дан қийналмайсизми?

–Албатта, бир нарсага эришиш ҳеч қачон ҳеч кимга осон бўлмаган. Ҳар қандай машаққатларига чидаймиз, деб бўйинга олганмиз (кулади). Лекин болаларни соғиниб уйга қайтишни ҳам ўзгача гашти бўлади. Уйда бўлган пайтларимда уларга кўпроқ эртак айтиб бераман.

–Бу соҳага кирганингиздан ачинган ҳолатларингиз ҳам бўлганми?

–Йўқ, бундан кейин ҳам ачинмайман. Худо ўзи назар қилган инсонларни эл–юрт хизматини қилишга қодир қилиб қўяди.

Гоҳида хизмат сафарига кетаётганимда турмуш ўртоғим кўзида ёш билан дарвозадан кузатиб қолади. Бундай пайтларда ўзимнинг ҳам юрагим эзилади. Лекин бир кишининг дили хушнуд бўлиб, яйраб кулганини кўрганда, ўзимнинг ҳам кўнглим кўтарилади.

– Мухлисларингизга тилакларингиз?

— Латифа ҳеч қачон миллат танламайди. У одамгарчиликни ривожлантириш учун бир восита. Одамга ҳазил орқали ўз хатосини тушунтириш мумкин. Яна бир гап, инсон яйраб кулиши учун у озод, ҳур бўлиши, керак. Қул ҳеч қачон юракдан кулолмайди. Бугун халқимиз дилдан яйраб кулса ярашади. Санъаткорнинг нияти ҳамиша холис бўлади. Илоҳо, халқимизнинг боши тўйдан чиқмасин, биз тўйларида хизмат қилиб юраверайлик.

Муҳаммадсиддиқ РАҲМАТОВ суҳбатлашди

ГЎЗАЛЛИК СИРЛАРИ

УЙҚУ–ТАНГА ҚУВВАТ

Ҳар бир аёл гўзал ва жозибали бўлишни узоқ йиллар сақлаб қолишни истайди. Лекин ҳамма ҳам бунга эришиш сирларидан воқиф эмас ёки вақт етишмайди. Кўпчилик бежирим кийиниб, замонавий бўяниш гўзалликнинг асосий шарти, деб тушунишади. Бу — тўғри, аммо бирёқлама фикр. Аёл киши аввало ўз характерини белгилаб берувчи кўринишга эга бўлиши лозим. Қоматни тик тутиб, тўғри чизиқ бўйлаб енгил, эркин қадам ташлаш аёл кишига чиройли кўриниш берувчи биринчи омилдир.

Аёлларнинг ҳар бир ҳаракати, юриш–туриши, ўтириши нафис бўлмоғи, юз ифодаси, қараши, табассуми, ҳатто йиғисидаям маъно бўлиши керак. Чиройли хоним қиёфасини яратишнинг юқоридаги омилларидан ташқари гўзалликнинг энг сирли томони овозга ёқимли тус бериш, хушбўй атирлардан фойдаланиш, иложи борича табиий ва самимий бўлишдир. Ҳар бир аёл ўз услубига эга бўлиши лозим. Чунки, мода ўткинчи, услуб эса сақланиб қолаверади. Шундай қилиб, ўз олдига қўйидаги зарур талабларни қўйган аёлгина атрофдагиларда ёқимли таассурот қолдира билади. Яъни, тик қомат, нафис ҳаракатлар, бежирим кийиниш, упа–эликдан меъёрида фойдаланиш ва ҳар қандай шароитда ўзини тута билиш.

Шунингдек, ташқи гўзаллик берувчи биринчи восита саломатликдир. Тўғри овқатланиш, руҳий ва жисмонан толиқмасдан, яхши дам ола билиш, шахсий гигиенага амал қилиш тансиҳатликнинг асосий шартларидандир. Рисоладагидек овқатланиш кўркам кўриниш, танга қувват, руҳиятга куч беришдан ташқари, эрта қаришнинг ҳам олдини олади. Соғлом киши ҳаракатчан, дадил, очиқ чеҳрали бўлиш билан бирга, тиниқ юз терисига, жилокор сочларга эга бўлади. Нотўғри овқатланиш туфайли бир қатор касалликлар келиб чиқиши баробарида гўзаллик ҳам чекина боради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ортиқча вазн — кўпчилик аёлларнинг «муаммоси». Семиришнинг олдини олиш учун ҳам, аввало тўғри овқатланмоқ лозим.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир аёл соғлом ва гўзал бўлишни истайди. Бунга эришиш учун эса, бир озгина эътибор ва вақт ажратиш кифоя. Албатта, гўзал қомат, гўзал чеҳра ва гўзал сийрат аёлликнинг муҳим томонларидир.

Яхши дам олган одамгина тетик ва бардам кўринади. Мунтазам бир хил иш билан шуғулланиш кучли чарчоққа — организм фаолиятининг бузилишига ва руҳий толиқишга олиб келади.

Чарчаган одамнинг мускулларида оғриқ, ҳолсизланиш, ишга ҳафсаласизлик, нохуш кайфият, ланжлик, тушкунлик, лоқайдлик, шунингдек, тез–тез хўрсиниш, чарчоқ қиёфа, уйқусизлик ва шунга ўхшаш ҳолатлар намоён бўлади. Буларнинг бари фаолликни сусайтиради ва ҳаёт тизимини издан чиқаради. Бу ҳолатдан қутулишнинг бирдан–бир йўли кун бўйи қилинадиган ишларни олдиндан режалаштиришдир. Бундан ташқари, ишлаш учун қулай кийим кийиш, вақтиваҳти билан организмга дам бериш зарур.

Ҳордиқ чиқаришнинг энг яхши усуллари — бирор спорт тури билан шуғулланиш, тоза ҳавода, истироҳат боғларида сайр қилиш, серҳаракатлик, тез–тез тоғ ёки табиат қучоғида дам олишдан иборат. Жуда толиқиб қолмаслик учун иш жараёнида қисқа танаффус қилиб олиш айниқса, муҳим. Руҳий қувват ақлни чархлайди. Шундай экан, оғир жисмоний меҳнатдан сўнг хаёлни жамлаб китоб ўқиш, қўлда бирор нима тўқиш, шахмат–шашка ўйнаш, ёки шунга ўхшаш ақл машқлари билан шуғулланишни одат қилмоқ керак. Ёки аксинча, руҳий толиқишдан стол тенниси, бадминтон сингари енгил ўйинлар ёрдамида фориғ бўлиш мумкин. Ҳорғинликдан қутулишнинг оддий усули бир неча бор чуқур–чуқур, кўкракни тўлдириб нафас олишдир.

Энг самарали дам олиш тўла жисмоний ва руҳий тиниқишдир. Кўнгилдагидек дам олиш керакли қувватни ҳам руҳиятга, ҳам вужудга бир пайтда етказиб бера олади. Хотиржам, мускулларни бўшаштирган ҳолда қулочни кенг ёзиб, осмонга қараб, атрофга аҳамият бермай, енгил мизғиб олган одамнинг руҳияти тетиклашади. Зеро, одамга гўзал кўриниш берадиган яна бир манба уйқудир. Лекин ухлаш жараёни ҳар кимда ҳар хил кечади. Қуйидагилар эса мириқиб ухлашга ёрдам беради:

Ухлашдан олдин ҳаяжонга солувчи хаёллардан, баъзи суҳбатлар тафсилотидан воз кечиш керак. Бунга ҳамиша ҳам эришиб бўлмайди, аммо одатланиш мумкин.

Уйқу олдидан жисмоний ва ақлий фаолиятни енгиллаштириш лозим.

Ҳар доим бир хил вақтда ухлашга ҳаракат қилмоқ лозим.

Кечқурун осойишта, хотиржам пиёда сайр қилиш фойдали.

Албатта, ухлайдиган хонани шамоллатиш керак, чунки тоза ҳавода ухлаш энг яхши ҳордиқдир.

Кечки овқат ҳазми енгил (сутли, сабзавотли) таомлардан иборат бўлса янада яхши. Енгил таом асаб тизимини тинчлантиради.

Илиқ сувда 10 дақиқа давомида ванна қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Ухлаш олдидан 1 стакан иссиқ сутга 1 қошиқ асал солиб ёки шифобахш дамламалардан ичиб олинса, яхши бўлади.

Шундай экан, мириқиб ҳордиқ чиқаринг, тиниқиб ухланг, руҳий қувватингизни ошириб, саломатлигингизни қўлдан берманг.

Манзура ШАМСИЕВА тайёрлади.

Биласизми?

ЛУҚМОНИ ҲАКИМДАН СЎРАДИЛАР:

—Одамнинг доноси ким?

—Ҳаёт тошларидан дилтанг бўлмагани.

—Баланд ҳиматлик кимдур?

—У дунё неъматларини бу дунё неъматларидан устун қўйган киши.

—Одамнинг қудратлиси ким?

—Аҳли комил бўлгани.

—Ул қандай шаробки ичувчисини яланғочлайди?

—Шаҳват.

—Ул қандай оловки ўз ёқувчисини куйдиради?

—Ҳасад.

—Ул қайси бинодурки ҳеч хароб бўлмас?

—Адолат.

—Ул қандай аччиқликки охири ширин бўлур?

—Сабр.

—Ул қандай ширинликки охири аччиқ бўлур?

—Тезлик (Шошқалоқлик).

—Ул қандай беморчиликки табиблар унинг муолажасидан ожиздур?

—Аҳмоқлик.

И.С.ТУРГЕНЕВ

Баронесса Юлия Петровна Вревскаяни хотирлаб

У вайрон қилинган болгар қишлоғида апил–тапил ҳарбий госпиталга айлантирилган омонат бир саройдаги бостирманинг лой–тупроқ аралаш жиққа ҳўл похоли устида икки ҳафтадан бери тифдан рамақижон бўлиб ётарди.

У ҳушидан кетган ва бironта ҳам дўхтир унга қиё боқмасди: Аёл ҳали оёғида тура олар экан ўзи боққан ярадор солдатлар ётган ислиқи жойларидан навбатма–навбат бош кўтариб, унинг қуруқшаб кетган лабларига синиқ мўндинг бир парчасидан бир неча томчи сув томизиб турарди.

У ёш, дилбар бир жувон эди; зодагонлар уни яхши билишарди; унга ҳаттоки амалдорлар ҳам қизиқиб қарашарди. Хонимлар унга ҳавас қилишарди, эркакларнинг бўлса айланишгани–айланишган эди... икки–уч кишининг жони пинҳона ўртанган ҳам эди. Хуллас, у ҳаётдан мамнун эди; лекин бундай мамнунлик кўз ёши тўкишдан ҳам бадкирдороқ бўладиган ҳоллар ҳам учраб туради.

Нозик, ювош қалбу... аммо унинг куч–қуввати, фидойилик эҳтироси ҳаминқадар!

У муҳтожларга ёрдам беришдан бўлак бошқа бахт–саодат бўлиши мумкинлигини сира ҳам билмасди. Бошқа хил ҳар қандай бахт–саодатни эса, писанд қилмасди. У яқин кишиларга хизмат қилишга жон–жаҳди билан берилган инсон бўлиб кетганди.

У қалбининг қаърида, унинг тилсимотида қандайин эзгу тилакларни сақлаганлигини ҳеч ким ҳеч қачон билмаган–эндиликда бўлса, ҳечам билолмайди, албатта.

Билиш чикора? Жонини ҳам қурбон қилди...иш битди.

Лекин ҳаттоки унинг мурдасига бўлсин ҳеч ким раҳмат ҳам демаганлиги кишига алам қилади. Ҳолбуки, у ҳар қандай миннатдорчиликлардан ётсираб, улардан уялиб кетадиган даражадаги одам эди.

Мен кеч бўлса–да, журъат этиб унинг қабрига қўйганим гуллардан жабрдийданинг азиз руҳи хафа бўлиб юрмасин!

1878 йил, сентябр.

Дарахтларим

Университетдаги собиқ ўртоғим, бой бир помешчик, аристократдан хат келиб қолди. У мени ўзининг ер–мулкига чорлабди.

Мен унинг кўпдан бери касал, кўзи кўрмай, ўзи шол бўлиб қолганлигини, зўр–базўр инқиллаб юра олишини билардим... Хуллас, уникига жўнаб кетдим.

Мен уни каттакон паркининг хиёбонларидан бирида учратдим. Ёз бўлишига қарамай пўстин кийиб олган, озиб–тўзиб, қовоқлари кўкариб кетган ҳолда чоғроқ бир коляскада ўлтирарди. Ҳашамдор уст–бош кийган икки лакей аравани орқасидан итариб боришарди...

— Менинг меросий ер–мулкимда, менинг асрий дарахтларим соясида қадамларига ҳасанот!–деди у гўрдан чиққандек сўник овоз билан.

Унинг боши узра қудратли минг йиллик дуб дарахти соя–салқин солиб турарди.

Шу пайт калламда бир фикр ғужғон ўйнарди: «О, минг йиллик азамат, эшитяпсанми? Илдизларинг устида ўрмалаётган чалажон бир чувалчанг сени менинг дарахтим деяётир!»

Шу маҳал шабада эсиб, азаматнинг қалин баргларини шитирлатиб ўтди... Шу билан кўҳна дуб менинг ўй–фикрларимга ҳам, беморнинг талтайишларига ҳам раҳмдил бир табассум билан жавоб қайтаргандек бўлди.

1882 йил, ноябр.

Ш. КЎНЧИ таржимаси

Турфа олам

ЙИГИРМА ЙИЛДИРКИ УХЛАМАЙДИ

Мабодо, бир кеча уйқудан қолсангиз ёки бирор сабаб билан уйқунгиз бузилгудай бўлса, эртаси кечгача ланж бўлиб, бошингиз оғриб юриши тайин. Тирик жон борки уйқуга эҳтиёж сезади.

Аммо шундай инсонлар ҳам бор эканки, умуман ухламайдилар ва уларнинг уйқусизликлари мутлақо соғликларига таъсир кўрсатмаган. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган украиналик Федор Нестерчук ҳам ана шундай инсонлар сирасига киради. У қарийб йигирма йилдирки мижжа қоқмайди.

— Ҳаммаси оддий бир тасодифдан бошланган,–дейди у. –Ўша йиллари донни қабул қилиб олиш бошқармаларидан бирига эҳтиётсизлик туфайли ўт тушган эди. Ёнғиндан катта талофат кўрган бошқарма мен узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган ун заводига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади...

Ўша кунларда Федорга заводдан бериладиган уй олиш навбати етиб келганди. У уйнинг ордерини олишни орзиқиб кутаётганди. Аммо бошқармага ёнғиндан етган зарарни қоплаш мақсадида завод ишчиларига берилаётган уйларга ажратилган маблағлар ҳам ишлатилиб юборилганди. Кўпчилик қатори Федорга ҳам уй берилмайдиган бўлди. Узоқ йиллар бир жойда ҳалол меҳнат билан кун кечираётган Федорга бу ҳодиса қаттиқ таъсир қилди. Шуни айтсалар керакда, омад кетса, оғзинг ошга етса, бурнинг қонайди, деб. Ўша кундан бошлаб Федор кам уйқу бўлиб қолди, гоҳида ухлаб қолганда ҳам боши оғриб уйғонарди. Бора–бора умуман ухламайдиган одат чиқарди. Албатта, у ишлаётган завод ҳам қараб тургани йўқ . Унга имтиёзли равишда санаторияларга йўлланмалар беришди. Аммо бари бефойда. Федор энди умуман ухламас ва уйқусизликка кўникиб қолганди. Энди у бедор тунларини китоб мутолаа қилиш билан ўтказарди. Тўғри, Федор шифо топишдан буткул умидини узганича йўқ. У халқ табобатидан шифо топишдан умидвор. Ҳа, бу ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Олтмиш беш ёшга кирган бир одам умуман ухламаса ва соғлигидан ҳеч қандай шикояти бўлмаса–я?!

Хориж матбуотидан Гавҳар ДИЛМУРОДОВА таржимаси

МАСЛАҲАТХОНА

● Кечаси қўққисдан бошингизнинг пешона қисми қаттиқ оғриб қолса, карам япроғини ювиб, пешонага ёпиштириб, боғлаб қўйиш лозим. Уни ҳар соатда алмаштириб турган маъқул. Бордию–ю, уйда карам бўлмаса, турп этини қалинроқ арчиб, кесилган томонини пешонага ёпиштириб боғлаш ҳам фойдалидир.

● Боланинг баданига қизил тошмалар тошса, уни қайнатилган исириқ сувига бир неча бор чўмилтириш ва собур (алоэ) барги ичидаги шиллиғи билан намлаб туриш фойдалидир.

● Бўйига нисбатан одамнинг вазни оғирлашса ёки аксинча енгиллашса, хотиранинг ёмонлашувига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бўйга нисбатан вазн мутаносиблигини кузатиб юринг.

● Ҳаммомда бўлган чоғингизда ёки у ердан чиққанингизда ҳеч қачон совуқ сув, бошқа бирорта совуқ ичимликни ичиб қўйманг. Ҳаммомнинг иссиқхоналарида жигар ҳарорати 40 даражага яқинлашиб қолади.Муздек ичимлик жигар шамоллашига олиб келади. Бу эса ўз навбатида турли хасталикларга сабаб бўлади.

● Нордон мевалар кекиришни тўхтатади.

● Нонни сирланган идишда сақланг, узоқ муддат яхши туради.

● Сабзавот ва ошкўкларни ҳўл латтага ўраб, совутгичнинг пастки қисмида сақласангиз, узоқ вақт янги узилгандай туради. Латта қуриб қолса, қайта ҳўллаб туринг.

● Сўлиган ошкўкларни жонлантириш учун уларни сиркали совуқ сувга бир оз солиб қўйинг. Яна, ошкўкларни бошқачароқ усулда ҳам сақлаш мумкин. Бунинг учун, уларни ювиб, қуритиб, қопқоқли шиша идишга солиб, совуттичда сақланг.

● Овқат билан қўшиб тановул қилинадиган сабзавот,мева ва ошкўкларни тозалаб, ювиб, тўғрамасдан, бутунлигича дастурхонга тортиш фойдали.

● Совуқ сув ичгандан кўра, яхна чой ичган маъқул. Чунки, совуқ сувда касаллик туғдирувчи зараркунандалар сероб бўлади.

● Газета, китоб қоғозларига овқат, нон ўраш зарар, унда қўрғошин моддаси бор.

МАНСУБА тўплади.

Дастурхон кўрки

«ТОҒЧА» ТОРТИ

МАСАЛЛИҚ: 1 кг.творог, 1 банка қуюлтирилган сут,1 та лимон цедраси, 1 стакан қаймоқ.

ТАЙЁРЛАШ: Творог билан қуюлтирилган сут яхшилаб аралаштирилади, лимон цедраси қўшилгач, «тоғча» шаклига келтирилади. Бунинг учун тайёр массани пирамидага ўхшаш ҳолатда текисланг. Шундан сўнг устига қаймоқли крем қуйилади.

КРЕМ ТАЙЁРЛАШ: Қуюлтирилган сут қаймоқ билан обдон аралаштирилади.

ШЕЪРИЯТ МУХЛИСИНИНГ ОРЗУСИ

Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги «Деҳқонобод» фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловолди учрашувларининг бирида кекса отахон Карим Тожиев сўз олиб, йиғилганлар билан дилидаги гапларни қуйидагича, самимий ўртоқлашди:

– Мен зиёлилар партияси бўлгани учун ҳам «Миллий тикланиш»ни қўллаб–қувватлайман. У кўнгилга яқин партия. Ўзим нафақадаман, умрим деҳқончиликда ўтди. Шоирликни даъво қилмайману шеър машқ қиламан. Қани эди,машқларимдан биттаси газетада чиқса!..

Марҳамат, Каримжон ака! Ўша учрашув чоғида ўқиган шеърингиз, мана, ўзингиз кўнгил қўйган партия газетаси саҳифасида!

ШУКРОНА АЙТИНГ

Баҳор келар ҳар йил қўшиқлар айтиб,
Кетган инсонларчи, туғилмас қайтиб.
Яратгандан тилайди яхши тилак
Онажонлар фарзандини улғайтиб.

Қўлингиздан келса, гулбоғ яратинг,
Дарё бўлиб шу боққа сув таратинг.
Бу дунёнинг меҳмонимиз барчамиз,
Меҳр билан оламни лол қаратинг.

Оллоҳ берган саховатни сезмасдан
Санаб берган ойлар,кунлар ўтадир,
Биз ҳаётнинг мазмунини билмасдан
Барча имкон бир кун қўлдан кетадир.

Бурчимиздан бу бир шингил, ёронлар,
Сўз эслатган Каримдан ранжиманглар.
Тинчлик учун доим шукрона айтиб,
Яшайман, десангиз, минг йил яшанглар!

КАРИМ ТОЖИЕВ,
Боёвут тумани «Деҳқонобод» фуқаролар йиғини фахрийси.

Milliy tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Нашр муҳаррири: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Газета 014–рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 127. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда .

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, бўлим —136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00